

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА



ШАНБА, 24 СЕНТЯБРЬ 2022 ЙИЛ | №38 (2072)

www.xolisnazar.uz



@xolis_nazar



@xolisnazar

КАСАНАЧИ АЁЛЛАРГА 4,5 МЛН. СЎМГАЧА СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ

МАҲАЛЛАЛАРДА ХОТИН-КИЗЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ. МАРКАЗЛАР ҲОКИМЛИКЛАР ҲИСОБИДАН БАРПО ЭТИЛАДИ

5-саҳифада.

РАКУРС

БОҒЧАДА ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАКРОРЛАНЯПТИ. НЕГА?



БУНГА СИФАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАР, ОВҚАТ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИГА РИОЯ ЭТМАСЛИК, НОМУТАХАССИСЛАР ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАНИ ВА АКСАРИЯТ ХОЛЛАРДА САНИТАРИЯ ТАЛАБЛАРИНИ БИЛМАСЛИК САБАБ БЎЛМОҚДА

6

ҚУЛАЙЛИК

ИПОТЕКА КРЕДИТИ ПУЛЛАРИ ДАРОМАД СОЛИФИГА ТОРТИЛМАЙДИ

СУБСИДИЯЛАНГАН ИПОТЕКА БЎЙИЧА БИР ЙИЛДА 73,6 МЛН. СЎМ ЁКИ ОЙИГА 6,1 МЛН. СЎМЛИК ДАРОМАДЛАР СЎНДИРИШГА ЮБОРИЛГАНДА, СОЛИҚҚА ТОРТИЛМАЙДИ. ҲОЗИРДА БУ МИҚДОР ҚАРИЙБ БЕШ БАРОБАР КАМ — 15 МЛН. СЎМ



10

НИГОҲ

«МАРДИКОР» — ЁЛЛАНМА ИШЧИНИНГ ҲУҚУҚИНИ КИМ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?



ҚОНУНЧИЛИКДА, МИСОЛ УЧУН, АГАР БИРОР-БИР МАРДИКОР ИШ ЖАРАЁНИДА ЖАРОҲАТ ОЛСА ЁКИ ВАФОТ ЭТСА, УНИНГ ҲАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМАГАН УЧУН КИМ ЖАВОБГАР БЎЛИШИ БЕЛГИЛАНМАГАН

11

ЖАРАЁН

Хабарингиз бор, республиканинг барча ҳудудларида аҳолининг кундалик кайфиятига бевосита таъсир кўрсатаётган энг долзарб муаммоларни ўрганиш орқали 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Жараёнда нафақат ўрганишлар, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда, балки ечимини маҳалла даражасида ҳал этиш мумкин муаммолар жойида бартараф этилмоқда.



Маҳаллаларнинг энг долзарб муаммолари ўрганиляпти

2022-2023 йиллар давомида қайси маҳаллада қандай муаммоларни биринчи галда ҳал этиш лозимлиги, қандай ижтимоий объектлар қуриш орқали аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш мумкинлиги ўрганилмоқда

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ходимлари тегишли масъуллар билан биргаликда Касби, Миришкор ва Муборак туманларида ўрганиш ишлари олиб боришди.

Жараёнда маҳалла, уй-жой, мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари, ички йўллар, ичимлик сув, электр, газ таъминоти, ободонлаштириш билан боғлиқ оғрикли масалалар ўрганилди. Жумладан, Касби туманидаги «Хўжахайрон» маҳалласида йиғин биноси қурилиши учун ажратилган ер майдони, маҳалла ҳудудидаги узоқ йиллардан буён фойдаланилмай келаётган сув насос станциясини қайта ишга тушириш ҳолати, «Юксалиш» маҳалласидаги янги қурилатган мактаб биносида олиб борилаётган ишлар, «Обод юрт» йиғинидаги тош-шағал тўкиладиган кўчалар кўздан кечирилди. Шунингдек, «Мустақилобод», «Қамаши», «Мушқоқи», «Хўжаки», «Нуробод» маҳаллалари аҳолисининг ижтимоий муаммолари тингланди.

Муборак туманидаги ўр-

ганишлар А.Навоий номи, «Истиклол» ва «Қарлик» маҳаллаларида давом этиб, долзарб муаммоларга эътибор қаратилди. Ўрганишлар давомида ҳар бир маҳаллада аҳоли ва маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, фаоллар билан учрашиб, 2022-2023 йиллар давомида қайси маҳаллада қандай муаммоларни биринчи галда ҳал этиш лозимлигига, қандай ижтимоий объектлар қуриш орқали аҳолининг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш мумкинлиги бўйича масалаларга аниқлик киритилди.

Миришкор туманидаги «Ободон», «Ўзбекистон», «Айзабод» ва яна 10 та маҳалла аҳолисининг ижтимоий муаммолари масалалари тингланди. Ўрганишлар давомида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига кирган маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, йиғин биноларида қурилиш ишлари қай тарзда кечаётгани кўздан кечирилди.

Шу билан биргаликда, юқоридаги масалаларни ҳал этиш учун зарур тақлифлар ўрганилиб, вилоят ишчи гуруҳига тақдим этилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ.

Марҳамат туманидаги «Юкори роввот», «Дурафшон» ва «Дўстлик» маҳаллаларида аҳолини қийнаб келаётган муаммолар, ижтимоий соҳа объектларининг аҳоли ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги фаолият билан яқиндан танишилди. Қайд этилган маҳалла йўллари таъмирлаш, электр, ичимлик суви тармоғи тортилиши борасидаги ишлар ҳамда амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари, мазкур соҳалардаги мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.

Андижон шаҳрининг «Мустақиллик», «Дўстлик», «Иқбол», «Соғлом авлод», «Ёйилма», «Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги», «Қоратут» «Боғишамол» ҳамда «Боғи эрам» маҳаллала-

рида маҳалла раислари ва фаоллари билан мулоқот қилинди. Мулоқотларда аҳолининг кундалик кайфиятига бевосита таъсир кўрсатаётган энг долзарб муаммоларни ўрганиш ва шу орқали 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантириш ҳақида тушунчалар берилди.

Жараёнда фуқаролар маҳалланинг ички йўллар, боғча, мактаб ва кўп қаватли уйлари таъмирлаш, ичимлик суви, электр, газ таъминотини янада яхшилаш кўчаларга тунги ёритгичлар ўрнатиш каби масалаларда мурожаат қилдилар. Ўрганишлар сўнггида мутасаддиларга билдирилган мурожаатларни ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги маъсул ходимлари, сектор раҳбарлари ҳамда тегишли мутасадди ташкилотлар вакиллари Навоий шаҳри, Навбахор ва Конимех туманларида бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни тинглади, давлат дастурига киритиш учун тақлифлар ўрганиб чиқилди.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган «бешлик» — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори ҳамда йиғинлар аҳолиси билан учрашувлар ўтказилиб, улارнинг кундалик кайфиятига бевосита таъсир кўрсатаётган энг долзарб муаммоларга эътибор қаратилди.

Ўрганиш натижасида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича келгуси режалар белгилаб олинди. Шунингдек, аниқланган муаммолар вилоятлар ишчи гуруҳларига тақдим этилди. Бу каби ўрганишлар республикадаги барча маҳаллаларда давом этмоқда.

С.ИБРОҲИМОВ тайёрлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

САМАРҚАНДДА БИНОСИЗ МАҲАЛЛА ҚОЛМАЙДИ

Вилоят ҳокими Э.Турдимов ва вилоят, туман, шаҳар сектор раҳбарлари, мутасаддилар иштирокида маҳалла фуқаролар йиғинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилган йиғилишда ана шундай қарорга келинди.



Маълумотларга кўра, йил бошидан буён вилоятда 135 та маҳалла учун бино қурилиб, фойдаланишга топширилган. Айни пайтда 34 та маҳалла ўз биносига эга эмас. Лекин сентябрь ойида 20 та, йил якунигача яна йигирмадан ортиқ маҳалла учун бино қурилиб, фойдаланишга топширилади.

— Йилнинг номланиши ва дастур талабларидан келиб чиқиб, бу борадаги ишларни йил аввалида бошлагандик ва шу пайтгача маълум бир натижаларга эришдик, — деди Э.Турдимов. — Лекин учинчи чорак якунига етаётган бир пайтда 34 та маҳалланинг ҳалигача ўз биносига эга бўлмагани, туман ва шаҳар ҳокимлари, сектор раҳбарларининг бу ишга астойдил киришмаганидан

далолат беради. Бино учун ер, маблағ масаласи ҳал қилиб берилмоқда, бу борада муаммо юзага келса, ечиб беришга тайёрмиз. Гап раҳбарларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашиб, маҳалла аҳли бошини бириктирган ҳолда ишларни ўз вақтида бажаришида қолмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинида ишловчи беш кишига шароит қилиб берилса, ҳудуддаги кўп муаммоларга ечим топилади, маҳалла аҳолиси борадиган эшик пайдо бўлади. Шунинг учун 34 та маҳалланинг барчаси 8 декабрга қадар ўз биносига кўчиб ўтиши керак.

Эслатиб ўтамиз, вилоятда август ойида Мустақилликнинг 31 йиллигига 31 та маҳалла биноси фойдаланишга топширилган эди.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

Амалдаги қонунчиликда маҳаллаларни географик ва демографик тоифаларга ажратиш белгиланмаган. Бу эса улар фаолиятини самарали ташкил этишга қўмаклашиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаётган эди. Янги таҳрирдаги «Маҳалла тўғрисида»ги қонун лойиҳасида шу каби камчиликлар бартараф этилгани эътиборга молик.



Маҳаллалар ҳудудий ва демографик тоифаларга ажратилади

МАҲАЛЛАНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ФАҚАТ БИТТА МОДДАДА БЕЛГИЛАНГАН БЎЛИБ, МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРСАТИЛМАГАН, ВАКОЛАТЛАРИ СОҲАЛАРГА АЖРАТИЛМАГАН ЭДИ

СОҲАЛАР БЎЙИЧА ВАКОЛАТЛАРНИНГ АЛОҲИДА МОДДАЛАРДА БЕЛГИЛАНИШИ УЛАРНИ ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА САМАРАЛИ ИЖРО ЭТИШ ИМКОНИНИ ЯРАТАДИ.

Маҳаллаларнинг ҳудудий жойлашуви бўйича тоифаларга бўлиниши белгиланмоқда. Маҳаллалар шаҳарда, туман марказида, туман марказигача 30 км. бўлган масофада, туман марказидан 30 км. ва ундан олис масофада, тоғли ва чўл ҳудудида, чегара (ёки анклав) ҳудудда жойлашгани ҳисобга олинмоқда. Шунингдек, аҳоли сони бўйича ҳам тоифаларга бўлиниши назарда тутилмоқда. Яъни:

- ✓ 1000 нафаргача аҳолиси бўлган;
- ✓ 1001-2000 нафаргача аҳолиси бўлган;
- ✓ 2001-4000 нафаргача аҳолиси бўлган;
- ✓ 4001-6000 нафаргача аҳолиси бўлган;

- ✓ 6001-8000 нафаргача аҳолиси бўлган;
- ✓ 8000 нафардан зиёд аҳолиси бўлган маҳаллалар алоҳида тоифаланмоқда.

Республикадаги мавжуд 9 370 та маҳалланинг ҳудудий жойлашуви ва аҳоли сони бўйича тоифаларга ажратилиши улар фаолиятини самарали ташкил этишга қўмаклашиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, маҳаллаларни ҳар томонлама таъсирчан ва манзилли қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиш, қонунчилик билан юклатилган ваколатларни амалга оширишда қўмаклашиш юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирлар учун зарур шарт-шароитларни

яратади.

Қолаверса, юқоридаги қонун кучга кириши натижасида маҳаллаларнинг ваколатлари соҳаларга ажратилмоқда.

Жумладан, 6 та соҳа бўйича ваколатлари алоҳида моддаларда белгиланмоқда. Булар:

- ✓ ўз фаолиятини ташкил этиш бўйича;
- ✓ ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш соҳасидаги;
- ✓ ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ваколатлари;
- ✓ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш соҳасидаги;
- ✓ ижтимоий-иқтисодий ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги ваколатларидир.

Амалдаги қонунда эса маҳалланинг ваколатлари фақат битта моддада белгиланган бўлиб, маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланмаган, ваколатлари соҳаларга ажратилмаган эди.

Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги тегишли фармони билан маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари (профилактика инспектори) лавозими, 2021 йил 3 декабрдаги тегишли фармони билан ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими, 2022 йил 19 январдаги тегишли қарори билан ёшлар етакчиси лавозими, 2022 йил 1 мартдаги тегишли фармони билан хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди.

Ушбу ходимлар фаолиятининг йўналишларидан, амалиёт ҳамда хориж тажрибасидан келиб чиқиб, маҳалланинг ваколатлари бевосита уларнинг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ соҳалар бўйича ҳамда давлат органлари томонидан амалга ошириладиган ваколатларга ажратилмоқда.

Соҳалар бўйича ваколатларнинг алоҳида моддаларда белгиланиши уларни ҳуқуқни қўллаш амалиётида самарали ижро этиш имконини яратади.

Бахтиёр НОРОВ,
Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЕЧИМИ ЙЎҚ МУАММО МАВЖУД ЭМАС...

Қорақўл туманида «Янги замон», «Полвонлар ва «Мироб» маҳаллалари аҳолиси учун сайёр қабул ўтказилди.



Мурожаатлар, асосан, ер муносабатлари, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорлик, ички йўлларни таъмирлаш, иш билан таъминлаш, устама ва ижтимоий тўловларни ундириб бериш, электр ва газ таъминоти соҳаларида бўлди.

— Тиббиёт техникумини таъминлаганман, — дейди **Мавжуда Сафарова**. — Турмуш ўртоғим ўрта

маълумотга эга. Аммо иккимиз ҳам иш топа олмайганимизни билдириб, иш билан таъминлашда амалий ёрдам сўрадик. Шундан сўнг, туман бандликка қўмаклашиш марказида доимий иш топиш учун тегишли тартибда рўйхатга қўйилдик ва вақтинчалик мавсумий иш билан таъминландик.

Яна бир мурожаат ногиронлик аравачасини олиш бўйича бўлди.

— Онам бир неча йилдан буён юра олмайди, — дейди **Шарофат Тўраева**. — Кўрсатмаган шифокоримиз қолмади. Юриб кетишлари учун маълум бир муддат талаб қилинар экан. Сайёр қабулга келиб онам учун ногиронлик аравачаси олишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилдим. Мурожаатим шу жойнинг ўзида ижобий ҳал қилинди. Онамга янги ногиронлик аравачаси топширилди.

— Оилам «Темир дафтар» га киритилган, — дейди **Жўрақул Бобомуродов**. — Сайёр қабулда тиббиёт

техникумида шартнома асосида ўқиётган фарзандим учун шартнома тўловларини тўлашда ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Мурожаатим шу ернинг ўзида ҳал қилинди. Яъни маҳалладаги ёшлар етакчиси томонидан рўйхатга олиниб, шартнома пуллари ёшлар ишлари агентлиги Қорақўл тумани бўлими томонидан тўлаб бериладиган бўлди.

Бундан ташқари, аҳолига сайёр тартибда давлат хизматлари, яъни болани мактабгача таълим ташкилотига жойлаштириш, электрон рақамли имзо сертификатини олиш, кадастр паспортини шакллантириш каби йўналишларда 20 га яқин давлат хизматлари кўрсатилди. Шу билан бирга, туман ФХДЁ бўлими томонидан туғилиш, никоҳ, ўлим билан боғлиқ фуқаролик ҳолатлари ҳам қайд этилди. Шу куни ҳудуд аҳолиси учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилди.

С.ИБРОҲИМОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

ЧИҚИНДИ ҚУТИЛАРИ ҚАЕРГА МАЖБУРИЙ ЎРНАТИЛАДИ?

Чиқинди қутилари қўйидаги жойларда мажбурий тартибда ўрнатилди:

- ☑ кўп квартирали уйларнинг подъездига кириш йўлида – 1 та;
- ☑ ташкилотлар, шунингдек, савдо объектларининг биносига кириш (чиқиш) йўлида – 1-2 та;
- ☑ метро, ер ости ва ер усти ўтиш жойларининг ҳар бир кириш (чиқиш) йўлида – 2 та;
- ☑ жамоат йўловчи транспорт бекатларида – 1-2 та;
- ☑ автотураргоҳлар ва автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш майдончаларига кириш (чиқиш) йўлида – 1-2 та.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Пенсия тайинлашда янги тартиб жорий этилди



БУ БИЛАН 352 МИНГ НАФАР ФУҚАРОНИНГ ПЕНСИЯ МИҚДОРИ ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНИБ, ЎРТАЧА ОЙЛИК ПЕНСИЯ МИҚДОРИ 400 МИНГ СЎМГАЧА ОШАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонунни имзолади. Хужжат 2022 йилги Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган. Унга кўра, қонунга бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Хўш, улар нималардан иборат?

Қайд этиш керакки, бугунги кунгача пенсионерлар охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти даври учун ижтимоий солиқ тўлаган бўлса-да, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлганда, қолган сумма пенсия ҳисоблашда инобатга олинмайди. Яъни ҳозирда фуқаронинг ўртача ойлик иш ҳақи пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг (2022 йил 1 майдан — 324 минг сўм) 10 баробари қисми (324 000×10=3 240 000) пенсия тайинлашда инобатга олинади. Юқоридаги қонун билан ушбу чегара 2023 йил 1 январдан 12 баробар (324 000×12=3 888 000) этиб белгиланди.

Буни янада соддароқ тушунтирсак, ҳозирда даромади юқори, масалан, 5 000 000 сўм ойлик олаётган фуқарога пенсия тайинлашда фақат 3 240 000 сўм миқдори ҳисобга олинади, қолган қисми инобатга олинмайди. Эндиликда қонунга асосан, пенсия тайинлашда 3 888 000 сўмга нисбат олинади, бу пенсия миқдори сезиларли ошишини таъминлайди (ушбу ўзгариш ойлик иш ҳақи 10 баробардан кам фуқароларга таъсир қилмайди).

Аниқроқ айтганда, янги тартиб билан 352 минг нафар фуқаронинг пенсия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ўртача ойлик пенсия миқдори 400 минг сўмгача ошади. Шулардан 304 минг нафари ёшга доир пенсия олувчилар, 25,2 минг нафари ногиронлиги бўлган шахслар ва 23 минг нафари боқувчисини йўқотган шахслардир. Қонунга мувофиқ, кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда Пенсия жамғармасидан қўшимча равишда 1,5 триллион сўмдан

ортиқ миқдордаги маблағлар талаб этилади.

Умуман олганда, янги тартиб иш ҳақининг миқдори, иш стажи ва пенсия миқдори ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш орқали пенсия тизимида ижтимоий адолат қарор топишига ёрдам беради. Яъни яхши ишлаб, яхши ҳақ олган одамлар яхшироқ пенсияга эга бўлиши имконияти янада ортади.

Шунингдек, қонунга кўра, отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 12 баробари (ҳозир — 10 баробари) миқдори доирасида амалга оширилади.

«ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ХУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНДИ»

Айтиш керакки, «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойили асосида пенсия таъминотида қатор қулайликлар яратилмоқда.

Жумладан, бугунги кунда вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари учун улар 18 ёшга тўлгунча қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақаси тайинланади ва тўланади. Шу билан бирга, агарда боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари таълим муассасаларида тахсил олса, пенсия ёки нафақа 23 ёшга қадар тўланади. Бунда таълим муассасаларида тахсил олиш тўғрисидаги маълумотномалар Пенсия жамғармасининг тегишли туман (шаҳар) бўлимларига бевосита ташир буюрган ҳолда тақдим этилиши зарур.

ЭНДИЛИКДА ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАМДА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ АҲБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ЎРТАСИДА ЭЛЕКТРОН АҲБОРОТ АЛМАШИНУВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ НАТИЖАСИДА МАЗКУР МАЪЛУМОТНОМАЛАРНИ АВТОМАТИК ТАРЗДА ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛДИ.

Қолаверса, бундан буён Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларини тайинлаш жараёнида оила таркиби тўғрисидаги маълумотлар талаб этилмайди. Бу тизим Адлия вазирлиги ва Пенсия жамғармаси маълумотлар базалари ўртасида йўлга қўйилган ахборот алмашинуви орқали амалга оширилади.

БУНДА ДАВЛАТ ПЕНСИЯЛАРИНИ ТАЙИНЛАШДА ФУҚАРОЛАРИНИНГ ОИЛА ТАРКИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЗАРУР МАЪЛУМОТЛАР АВТОМАТИК ТАРЗДА ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ. Яъни ЭНДИЛИКДА НИКОҲ, АЖРИМ ВА БОЛАЛАРИНИНГ ТУГИЛГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ВА ГУВОҲНОМАЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ НУСХАЛАРИ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ.

Шу билан бирга, тизимдаги қулайликлар янада такомиллаштирилади. Аввалроқ

Адлия вазири Русланбек Давлетов узоқ йиллар давлат ва жамиятга хизмат қилган инсонлар умрининг охириги босқичларида бюрократиядан қийналиб, пенсия тайинланиши учун югуриб юрмаслиги кераклиги, шу мақсадда яқин йилларда **мурожаатсиз пенсия тайинлаш** тизимига ўтилиши, қолаверса, ҳар қандай ноаниқликлар пенсия олувчининг фойдасига талқин қилинадиган тизим яратилишини айтиб ўтганди.

Яқинда Президент фармони асосида 1 октябрдан республикада илк бор нафақа тайинлашда фуқаролар ҳеч қаерга мурожаат қилиши шарт бўлмаган тизим — **проактив шакл** жорий этилди. Унга кўра, Пенсия жамғармаси томонидан тайинланадиган **8 турдаги нафақадан 3 тури** мазкур тизимга ўтказилди. Хўш, пенсия қачон шу тизим асосида тайинланади?

Пенсия жамғармаси бошқарма бошлиғи Камоллидин Ҳожибековнинг қайд этишича, пенсияларни проактив тизимга ўтказиш учун фуқаронинг барча меҳнат стажи ва иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотлар рақамлаштирилган бўлиши керак.

Афсуски, бугунги кунда 2005 йилдан олдинги давр маълумотлари рақамлаштирилмаган. Лекин бу буйича Президентнинг тегишли қарори буйича 30 дан ортиқ вазирлик ва идораларга пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатларни рақамлаштириш юзасидан топшириқ берилган. Маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилгач, барча пенсия ва нафақалар тайинлаш проактив тизим орқали амалга оширилади.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

НУРОНИЙЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНДИ

Самарқанд вилояти Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ходимлари Ургут туманидаги Мурувват уйида истиқомат қилаётган нуроний отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олди.

Турли сабаблар, ҳаётнинг қутилмаган зарбалари боис бу масканга келиб қолган инсонларнинг кўнглини кўтариш, уларга далда беришни кўзлаган тадбирда вилоят Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъуллари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

— Бухоро вилоятидан келганимга 15 йил бўлди, — дейди **62 ёшли Ҳамро ая Ҳамроева**. — Шароитлари яхши, бир кунда 4 маҳал овқат берилади. Орамизда қобилиятли инсонлар кўп бўлгани

учун ўз кучимиз билан тез-тез концерт дастурлари ташкил этиб турамыз. Шу тарзда бир оила бўлиб яшаб келяпмиз. Бизнинг ҳолимиздан хабар олган масъуллардан миннатдоримиз. Шу баҳона муаммоларимиз, камчиликларимизни тўлдириб оламиз. Бугун ҳам раҳбарларга айрим масалалардаги таклифларимизни айтдик.

Тадбир давомида муассасада яшаётган фуқаролар учун санъаткорлар иштирокида театр томошалари ва концерт дастурлари ташкил этилди.



МОҲИЯТ



2022 йил 21 сентябрда имзоланган яна бир ҳужжат — «Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори билан соҳадаги ўзгаришлар яна бир босқичга кўтарилди.

Касаначи аёлларга 4,5 млн. сўмгача субсидия берилади

МАҲАЛЛАЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ. МАРКАЗЛАР ҲОКИМЛИКЛАР ҲИСОБИДАН БАРПО ЭТИЛАДИ

Касаначилик ўзига хос фаолият тури саналади: бунда аёллар ўз уйдан чиқмаган ҳолда ишлаш ва даромад топиш имкониятига эга. Бироқ шундай вақтлар бўлдики, хотин-қизлар фақатгина қоғозда касаначилик билан шуғулланди. Улар қандай манфаат кўряпти, ўз вақтида иш ҳақлари тўланаптими, деган саволларга жавоб йўқ эди. Иш берувчилар касаначи аёлларга етарли буюртмалар бера олмади, натижада иш ҳақлари кам ҳисобланди ёки умуман берилмади.

Жойларда тикув-трикотаж корхоналарида яратилаётган иш ўринлари ҳисобига хотин-қизлар бандлиги таъминлангани яхши, албатта. Аммо аёллар, асосан, қизлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга тегишли бозорлар топиш бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермади. Натижада маҳсулотлар харидорсиз қолиб кетаверди, бу эса корхонанинг иқтисодий ахvoli ёмонлашишига олиб келиб, ойлик маошларга салбий таъсирини кўрсатмай қолмади.

Айни ҳолатда давлатимиз раҳбарининг «Касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, соҳага доир муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Ҳужжатга кўра, 2022 йил 1 июндан 2025 йил 1 январгача касаначиларга даромад солиғи касаначиликдан олинандиган жами даромадни 50 фоизга, 1 ойда кўпи билан 1 миллион сўмгача камайтирган ҳолда хи-

собланади. Касаначилар ижтимоий солиқ тўловини ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган тартибда амалга оширади. Уларга БҲМнинг 10 баравари миқдорида субсидия ажратилади.

2022 йил 21 сентябрда имзоланган яна бир ҳужжат — «Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори билан соҳадаги ўзгаришлар яна бир босқичга кўтарилди.

КИМЛАР 5 ЙИЛГА ИЖАРА ТЎЛОВИДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ?

Қарорга кўра, 2022 йил 1 октябрдан касаначи аёлларга ажратиладиган субсидия миқдори БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача (3 млн. сўмдан 4,5 млн. сўмгача) оширилади. Олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда камида 20 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларни касаначилик асосида иш билан

таъминлаган тадбиркорлар ўртасида ҳар йили бир марта ҳар бирининг қиймати 50 миллион сўм бўлган лойиҳалар танлови ўтказилади.

«Аёллар дафтари»даги камида 5 та ишсиз хотин-қизларни касаначилик асосида ишга қабул қилган тадбиркорлар томонидан давлат мулкидаги бино ва иншоотларни ижарага олишда ижара ҳақи 50 фоиз миқдорда ундирилади. Ходимлари умумий сонининг камида 70 фоизи «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар бўлган касаначиликни ташкил этган ва имтиёз берилган даврда уларнинг бандлигини сақлаб қолган тадбиркорлар давлат мулкидаги бино ва иншоотлар учун ижара ҳақи тўловидан 2027 йил 1 октябргача озод этилади.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ МАРКАЗЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Ҳужжат билан маҳаллаларда яна бир тузилма — Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолияти йўлга қўйилади. Марказлар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан барпо этилади.

Сўнгра маҳалла фуқаролари йиғини томонидан хотин-қизлар фаолларининг тавсиясига асосан, тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига 5 йил муддатга ижарага берилди. Қолаверса, марказларда битта лойиҳа доирасида 20 нафаргача хотин-қизларнинг доимий бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир нафар бандлиги таъминланадиган ишсиз хотин-қиз учун тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда 3 миллион сўмдан ошмаган миқдорда давлат гранти ажратилади.

Давлат гранти ижтимоий лойиҳани амалга ошириш мақсадида марказларда ташкил этиладиган тикувчилик, қандолатчилик, пазандачилик ва турли хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш учун зарур бўладиган дастгоҳ, ускуна ва жиҳозлар харид қилишга йўналтирилади.

ҲОКИМЛИКЛАР ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРАДИ?

Қарор ижросини таъминлашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат актив-

ларини бошқариш агентлиги ҳамда Кадастр агентлиги билан биргаликда бўш ер участкалари ва биноларнинг (бинолар бир қисмининг) марказлар ташкил этиш учун тегишли маҳаллаларга ажратилишини ва уларнинг тўлиқ ишга туширилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси билан бирга марказлар биноларини тадбиркорлик субъектларига 5 йилгача ижарага бериш, улар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда маҳаллаларга кўмаклашади. Бундай марказлар босқичма-босқич барча маҳаллаларда барпо этилади.

Хуллас, эндиликда касаначиликни ривожлантириш учун иш берувчилар ва фуқароларга нима керак бўлса, барча шароитлар яратилади. Бундан кўзланган мақсад аниқ одамлар бандлигини таъминлаш, уларга хонадондан чиқмай даромад топиш имконини яратиш, келгусида пенсия таъминоти учун зарур захираларни яратиш. Президент қарорида эса бу жиҳатларнинг барчаси мужассам бўлган.

Санжар ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«ОҚИЛА АЁЛЛАР» ҲАРАКАТИ МАЪРИФАТЛИ ОНАЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида Сурхондарё вилояти «Оқида аёллар» ҳаракати аъзоларининг илк анжумани бўлиб ўтди. Унда ҳаракатнинг вилоят, туман ва шаҳар, маҳалла бошланғич гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Президентимиз жорий йил 1 март кuni ўтказилган видеоселектор йиғилишида жойларда обрў-этиборли, катта тажрибага эга «Оқида аёллар» ҳаракатини ташкил этиш ғоясини илгари сурган эди. Шунга мувофиқ, ҳар бир маҳаллада 15 нафардан энг фаол, ташаббускор аёллардан иборат бошланғич гуруҳлар ташкил этилди.

— «Оқида аёллар» ҳаракати Қумқўрғон туманининг «Хуррият» ва «Элобод»

маҳаллаларидаги бошланғич гуруҳларига жамоатчилик асосида етакчи этиб сайлашди, — дейди Қумқўрғон туманидаги 22-мактаб директори ўринбосари Раъно Жўраева. — Ҳар иккала маҳаллада 15 нафардан энг фаол ва ташаббускор, катта ҳаётий тажрибага эга аъзоларимиз бор. Улар билан бирга хотин-қизларимизни янги маънавий макон яратишдек эзгу ғоя атрофида бирлаштириб, маънавий ишлар

самарадорлигини янада оширишни белгилаб олдик. Бунинг учун ҳар бир оилада миллий қадриятларимизга ҳурмат, юртга садоқат руҳида камолга етадиган юксак маънавиятти, Учинчи Ренессанс пойдеворини қурадиган ёшларни тарбиялашга алоҳида аҳамият берамиз. Зеро, юксак маънавиятти оналар маърифатли жамият устундир.

«Оқида аёллар» ҳаракати маҳаллаларда оилаларни мус-

таҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-она масъулияти, ибратли ота-она бўлишнинг аҳамияти, маърифатли жамият қуришда маърифатли оилаларнинг ролини тушунтиради. Аёллар айниқса, ёш қизларда оила ва Ватанга садоқат, фидойилик, ташаббускорлик туйғуларини сингдиради. «Одобли қиз» ва «Маърифатли она» қиёфасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

РАКУРС

Боғчада овқатдан заҳарланиш ҳолати такрорланяпти. Нега?

Болаларни аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этишда қатор жиддий камчиликлар мавжуд. Жумладан, уларни назорат қилиш тизими тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Овқатлантириш тизимида инсон омилли юқорилиги коррупция ривожланишига сабаб бўлмоқда.



1 185 ТА ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА ОВҚАТЛАНИШ АУТСОРСИНГ УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН, 5 145 ТАСИ ЎЗ ОШХОНАСИГА ЭГА

Сўнги икки ҳафтада олтита ҳолатда боғчадаги болаларнинг касалланиши қайд этилди. Жумладан, Қарши ва Марғилон шаҳарлари, Олтиариқ ва Кармана туманларидаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болалар овқатдан заҳарланган. Аввалроқ август ойида худди шундай ҳолат Оққўрғон туманидаги боғчада кузатилган эди. Айни ҳолатлар болаларни овқатлантириш тизимида айрим камчиликлар борлигини англатади.

АЙРИМ БОҒЧАЛАРДА ЗАРУР ШАРОИТЛАР ЙЎҚ

Маълумотларга кўра, бугунги кунда республика бўйича жами 28 012 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Мазкур муассасаларда бола қамрови қарийб 2 миллион нафарга (69,4 фоиз) етган.

2022 йил 1 январь ҳолатига мамлакатимизда 6 300 та давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият кўрсатиб, уларда 1 миллион 276 минг бола қамраб олинган. 1 185 та давлат мактабгача таълим ташкилотидида овқатланиш аутсорсинг усулида ташкил этилган бўлса, 5 145 таси ўз ошхонасига эга.

Юқоридаги овқатдан

заҳарланиш ҳолатларига Сенат Кенгашининг навбатдаги мажлисида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбари ўринбосари Нурмат Отабеков изоҳ берар экан, боғчалардаги гуруҳли касалланишнинг 4 та асосий омилли бор. Сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлатилиши, овқат тайёрлаш технологик жараёнига риоя этмаслик, номухтаassisлар фаолият юритаётгани ва аксарият ҳолларда ходимлар санитария талабларини билмагани сабабли боғчаларда оммавий касалланишлар кузатилмоқда.

— Бир маълумотга эътиборингизни қаратмоқчиман, — дейди Н.Отабеков. — Олтиариқ туманидаги 39-сонли мактабгача таълим ташкилотидида тарбияланувчилар ўртасида бу каби ҳолат юзага келишига сабаб — озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган, кунлик таомномага риоя этилмаган, таомномага киритилмаган маҳсулотлар бўлган, қолаверса, идишларни ювиш хонасидаги шароит мутлақо талабларга мувофиқ эмас. Давлат боғчаларининг 30 фоизи, яъни 1 200 га яқини мослаштирилган бинога эга. 3 048 та ҳолатда эса идиш-товоқларни ювиш учун шароит йўқ, яъни тоғоралардан фойдаланилади. Албатта, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати қандайдир назоратни амалга оширади, кимларгадир

нисбатан чора кўради, қандайдир тadbирларни жой-жойига қўйишга ҳаракат қилади, лекин шароит имконият бермагандан кейин, қолаверса, ҳар битта тadbиркорлик субъектини назорат қилиш имконимиз бўлмагандан кейин, албатта, муаммолар муаммога уланиб кетаверади.

АУТСОРСИНГДА КАМЧИЛИКЛАР БОР...

Хорижий тажриба асосида айрим болалар боғчаларини озиқ-овқат билан таъминлаш аутсорсинг тизимига ўтказилган. Бу тизимда боғчаларга меъерий ҳужжатларда белгиланган рацион бўйича, тендер асосида четдаги корхона томонидан нонушта ва тушликка озиқ-овқатлар ҳар бир бола учун алоҳида-алоҳида тайёрлаб етказиб берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги «Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридида кунлик таомномалар Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тузилиб, тасдиқланган ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишилган намунавий, мавсумий таомномалар асосида тузилади, деб белгилаб қўйилган. Бироқ бу тизим негaдир оммалашмаяпти. Биргина мавжуд 6 300 та давлат боғчасининг атиги 1 185 таси шу тизимга ўтган. Қолганлари-чи?

Яна бир гап: болаларни аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этишда қатор жиддий камчиликлар мавжуд. Жумладан, уларни назорат қилиш тизими тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Овқатлантириш тизимида инсон омилли юқорилиги коррупция ривожланишига сабаб бўлмоқда. Ҳокимликларда озиқ-овқат маҳсулотларининг энг юқори харид нархларини шакллантириш бўйича ягона методика мавжуд эмас.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари пасайтириб қайд этилиши етказиб бериладиган маҳсулот сифатининг пасайишига ёки ҳажмининг камайишига олиб келмоқда. Туман мактабгача таълим бўлими мутахассислари, давлат мактабгача таълим ташкилоти директорлари ва бошқа ходимлари овқатлантириш билан боғлиқ лавозим мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқлардан хабардор эмас. Туман мактабгача таълим ва молия бўлимлари томонидан етарлича назорат олиб борилмаяпти.

Аутсорсинг хизматини таклиф этаётган корхоналарни танлаб олишда муаммолар кузатилади. Мактабгача таълим вазирлиги ташкиллаштирадиган тендер ниҳоятда шаффоф ва ҳалол ўтиши керак. Танловда ҳақиқатан барча имкониятларга эга корхоналар иштирок этиши ва уларнинг энг муносиби ҳолиб чиқиши лозим. Бундай ишлар билан туман ҳокимининг жияни, мактабгача таълим бўлими мудирининг қайноғаси шуғулланмаслиги керак.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«АЁЛЛАР МАЪНАВИЯТ МАРКАЗИ» ИШ БОШЛАДИ

Ангрен шаҳридаги «Истикбол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Обод маҳалла» дастури доирасида қурилган «Аёллар маънавият маркази» хотин-қизлар ихтиёрига топширилди.



Марказ раҳбари, тadbиркор Шоҳиста Мадиеваннинг таъкидлашича, бу ерда банд бўлмаган хотин-қизлар иш билан таъминланиши билан бирга, тикувчилик йўналиши бўйича ўқув курсида аёллар касб-хунарга ўқитиш курслари ташкил этилган. Хотин-қизлар қисқа курсларда ўқиб, хунарни

бўлишлари мумкин.

Шунингдек, аёллар Марказда қандолатчилик, сартарошлик, уй ҳамшираси, жундан рўмол, шарфлар тўқиш, тол наваларидан уй-рўзғор буюмлари ясаш каби хуналарни ўрганишлари мумкин.

Эътиборлиси, машғулот ва амалиёт бепул.

Сенат Кенгаши мажлисида қайд этилишича, эндиликда болаларни мавсумга мос равишда овқатлантириш тизимига ўтилади. Давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун ягона мавсумий таомномалар ишлаб чиқилиб, мазкур таомнома бўйича бир бола учун сарфланадиган бир йиллик маблағ миқдори ҳисобланади. Бундай ўзгаришларни амалга ошириш вақти аллақачон келган. Ўйлаймизки, қисқа фурсатларда болалар боғчаларида овқатлантириш билан боғлиқ камчиликлар барҳам топади ҳамда фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол ўсишида овқатланиш таркибига қатъий амал қилинади.

ВАЗИЯТ

Ҳоким ёрдамчиси вазифасини қандай бажаряпти?



АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ 1,9 МЛН. НАФАР ФУҚАРОНИНГ ДАРОМАДЛИ МЕҲНАТ БИЛАН БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНГАН. УЛАРНИНГ ТАВСИЯНОМАЛАРИ АСОСИДА 6,4 ТРЛН. СЎМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ВА 112 МЛРД. СЎМ СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИЛДИ

Президент ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси фаолияти йўлга қўйилиб, «маҳаллабай» ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш инструментлари бевосита маҳалла даражасига таъминланди. Бугун бу ташаббус ўз натижасини бермоқда.

Ҳоким ёрдамчиси «хонадон-бай» сўровлар ўтказиш орқали маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида кредит, субсидиялар, моддий ёрдам ва нафақалар ажратилиши бўйича хулосалар бериш (аввал сектор раҳбарлари томонидан берилган), ижтимоий шартномаларни имзолаш ҳамда шартнома шартларининг бажарилишини таъмин-

лайдиган лавозим ҳисобланади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, мавжуд муаммоларни «мижозбай» ўрганиш ҳамда ҳал этиш орқали тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этишда кўмакчи бўладиган вазифа эгаси ҳамдир.

Хўш, улар бугунги кунда қан-

дай натижаларга эришмоқда? Худудларда ташкил этилган «бешлик» ҳамкорлиги самараси нималарда кўринмоқда?

Жорий йил август ойигача қилинган ишлар таҳлиliga кўра, аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали **1,9 млн. нафар** фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланган. Хусусан, **560 минг нафари** доимий ишга жойлаштирилган бўлса, **778 минг** нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинди. Шунингдек, кўплаб ватандошларимиз якка тартибдаги тадбиркорликка, ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган бўлса, **341 минг** нафарига ижара асосида ер ажратилди.

Ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида **6,4 трлн. сўм** имтиёзли кредит ва **112 млрд. сўм** субсидиялар ажратилди, **218 минг нафар** аҳоли касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди.

Улар томонидан шакллантирилган **34 мингдан** ортиқ «маҳаллабай» микролойҳалардан **19 мингтаси** ишга туширилиб, **78 мингта** янги иш ўринлари яратилди.

Ҳоким ёрдамчиларининг йиллик «йўл хариталари»га асосан, **14,6 минг** км. таъмирталаб ички йўллар шағаллаштирилди, **7,1 минг** км. йўллар асфальтлаштирилди, маҳалла худудидан ўтувчи магистраль йўл ёқасида пиёдалар йўлакчалари барпо

этилди. Яроқсиз ҳолга келган **5,3 минг** дона трансформатор, **141,6 минг** дона сим ёғочлар ва **122,6 минг** дона тунги чироқлар алмаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, бугун ҳоким ёрдамчилари – Президентнинг маҳалладаги чинакам вакиллари сифатида ўз худудидан тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтиришда намуна бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу лавозим ҳақиқий маънода одамларни қийнаётган муаммоларга ечим топилишида кўмакчига айланмоқда.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

БИЛАСИЗМИ?

ЁРҚИН КИЙИМЛАР «АВАРИЯ»НИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИМИ?

Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ПМТИ) мутахассислари пиёдалар кийимининг ранги йўл-транспорт ҳодисаларининг (ИТХ) олдини олишда қандай аҳамиятга эга эканини таҳлил қилди. Унга кўра, ёрқин рангдаги кийимлар ва ёруғликни қайтарувчи элементлар **130 метр** узоқликдан кўрингани боис автомобилларни ўз вақтида тўхташига имкон беради.

Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда **3 559** та ИТХ содир бўлиб, уларда **2 775** киши турли даражада тан жароҳатини олган, **784** нафари эса ҳаётдан кўз юмган. Ҳар тўртинчи бахтсиз ҳодисага тезликнинг белгиланган меъёрдан оширилиши сабаб бўлган. Бахтсиз ҳодисаларнинг **47** фоизидан пиёдалар уриб юборилган.

Жаҳон банки ҳисоботида кўра, ИТХлар туфайли ҳаётдан кўз юмиш ва жароҳат олиш билан боғлиқ ҳолатлар иқтисодий ривожланишнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга таъсир қилади. Чунки ИТХ қатта ёшдаги одамларни меҳнатга лаёқатлилар


сафидан чиқаради, жароҳат оқибатида меҳнат унумдорлиги пасаяди.

Йўлларда ўлим даражасини камайтиришнинг турли усуллари мавжуд. Самарали усуллардан бири бу тунда пиёдаларнинг ёрқин рангдаги кийимларни кийишидир. ПМТИ тунги вақтда пиёдалар кийимининг ранги қай даражада кўринишини намойиш этувчи инфографикани тайёрлади. Унга кўра, ёруғликни қайтарувчи элементлар **130 метр**дан кўринади. Бу эса соатига **80 км** тезликда ҳаракатланаётган автомобилнинг ҳам ўз вақтида тўхташига имкон беради. Ёрқин ранглар (сарик, оқ) **37-55 метр** масофадан кўринади. Агар кўк ранг **17 метр** масофадан кўринса, қора

ранг деярли кўринмайди.

Тезликни белгиланган меъёрдан оширмаслик, мактаб ва бошқа таълим муассасалари ёнида тезликни пасайтириш ҳайдовчиларга транспорт воситасини ўз вақтида тўхтатишга улгуриш имконини беради.

Пиёдалар кўп ўтадиган жойларда (жамоат жойлари яқинида, турар жой мавзеларида) тезликни инфратузилмавий муҳандислик воситалари ёрдамида чеклаш амалиётини кенг миқёсда давом эттириш мақсадга мувофиқ. Масалан, жаҳон амалиётида йўл сатҳидан бироз баландроқ пиёдалар йўлаги, пиёдалар ўтадиган жойларда йўлнинг қатнов қисмини торайтириш, сунъий бурилишлар ва бошқа усуллар қўлланилади.



ВАЗИЯТ

Уч карра солиқ тўлаш амалиёти бекор қилинади



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 19 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Чунончи, кадастр ҳужжатлари йўқ 2 миллион 600 мингга хонадонни анча вақтдан буён ушбу масала қийнаб келарди. Натижада улар томорқаси учун на кредит, субсидия оларди, на уйини кенгайтиришга ипотекадан фойдаланарди. Камига кадастри бўлмагани учун уч карра миқдорда ер солиғи тўларди.

ШУ КУНГА ҚАДАР ОШИРИЛГАН СОЛИҚ СТАВКАСИ АСОСИДА ТўЛАНГАН СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА СУММАЛАР СОЛИҚ КОДЕКСИГА МУВОФИҚ, ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНАДИ

ВАЗИЯТ ҚАНЧАЛИК ОҒИР ЭДИ?

Қайд этиш керакки, кўп йиллар давомида минглаб фуқаролар ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонларида яқка тартибда-

ги тураржойларни ноқонуний равишда қуриб олишган. Натижада мазкур муаммо бутун республика миқёсида оммавий тус олди. Тартиб-интизом, ҳисоб-китоб бўлмагани сабабли минглаб гектар ерлар талон-торож бўлиб кетди.

Тураржойларга ҳужжатларнинг йўқлиги аҳолида бошқа ижтимоий муаммолар, жумладан, яшаётган жойи бўйича пропискага қўйиш, мол-мулкка бўлган ҳуқуққа эга бўлиш ва уни сотиш имконсизлигини келтириб чиқарди.

Кўп гувоҳи бўлганмиз, қишлоқ жойларда одамларнинг ота-боболари яшаб келган уй-жойларига нисбатан ҳуқуқи фақат йўқ бўлиб кетган колхоз «справка»си ёки «сельсовет» рўйхати билан боғлиқ тарзда акс этган, холос. Уша пайтда амал қилган қонунлар асосида бундай уйларга ҳокимлик томонидан эгалик ҳуқуқи берилмаган. Айримларида, ҳатто қишлоқ советининг қарори йўқ. Аммо уй йиллар давомида отадан фарзандга ўтиб келарган. Уйлар ҳужжати бўлма-са-да, иккинчи, учинчи шахсларга сотиб юборилаверган.

Шу билан бирга, ҳали ҳамон қишлоқларимизда эгасиз уйлар бор. Бироқ уларда кимлардир яшайпти, ер солиғи, электр энергияси, табиий газ (албатта, бор ерларда), сувдан фойдалангани ва чиқинди учун пул тўланяпти. Аммо уй-жойга эгалик ҳуқуқи бўлмагани боис мулк солиғи тўламайди. Мулк солиғи ер солиғидан анча кўп-

лигини яхши биламиз.

2018 йилгача мавжуд қонун талабига кўра, агар шахс бир хонадонда 15 йил давомида яшаб, барча тўловларни амалга оширган бўлса, уша уй унга хатлаб берилган. Кўпчилик бу имкониятдан фойдаланмаган. Бундан ташқари, ўзбошимчалик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси давомида айрим уй-жой эгасига эгалик ҳуқуқини бериш рад этилган. Демак, бу уйлар ҳам ҳозирча ноқонуний қурилишга киради.

ҚАНДАЙ ТАКЛИФ БИЛДИРИЛМОҚДА?

Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ, ҳозирда ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиб келаётган фуқаролардан белгиланган солиқ ставкалари **уч баравари миқдорда** ундириш белгиланган.

Аҳолига қулайлик яратиш ва фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Адлия вазирлиги «Ўзбекистон

Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, жамоатчилик муҳокамасига қўйди.

Унга кўра, **2020 йил 1 январдан 2023 йил 1 июнгача** бўлган даврда жисмоний шахслардан, яъни ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиб келаётган фуқаролардан солиқ ставкалари уч баравари миқдоридидаги солиқларни ундириш мақсадида назарда тутилмоқда.

Қайд этиш керакки, 2020 йил 1 январдан бугунги кунга қадар фуқаролар солиқ ставкаларининг уч баравари миқдоридидаги солиқларни тўлаб келаётган бўлса, кейинчалик тўланган солиқ суммалари Солиқ кодексига мувофиқ, **қайта ҳисоб-китоб қилинади**.

Шу билан бирга, ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёки мавжуд ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиб келаётган фуқаролардан солиқ ундируви эндиликда Солиқ кодексининг 437-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган **умумий тартибда** амалга оширилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

МАҲАЛЛА БИНОЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ишчи гуруҳи мутахассислари фуқаролар йиғинлари биноларини қуриш, ишга тушириш, ўз биносига эга бўлмаган маҳалла биноларини дастурларга киритиш, мавжуд бинолардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ҳудудлардаги вазият билан танишмоқда.



Жумладан, вазирлик ходимлари Наманган вилоятидаги ўрганишлар давомида Чортоқ туманидаги «Бешкапа» маҳалла фуқаролар йиғинининг янги қуриб фойдаланишга топширилган хизмат биносида бўлишди.

Жараёнда маҳалла фуқаролар йиғини фаолият самарадорлигини ошириш,

мурожаатлар билан ишлаш, маҳалланинг бешлик гуруҳининг фаолиятини тўғри ташкил этиш, маҳаллада «хонадонбай», «фуқаробай» ўрганиш, аниқланган муаммоларни жойида бартараф этиш юзасидан тушунтириш берилди.

Мухбиримиз.

Йиллар давомида тўпланиб қолган муаммо ечимида жуда эҳтиёткорлик билан, лекин кечиктирмасдан қарор қабул қилиш даркор. Шу маънода юқоридаги ўзгаришлар ҳозирги вазиятдаги энг тўғри қадамдир. Зеро, кимдир шу вақтгача кадастр моҳиятини тушунмаган, кимдир ҳужжатбозлик ва бюрократиядан чарчаган, яна кимдир қаерга, кимга мурожаат қилишни билмаган. Эндиликда Президент топшириғи асосида Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлигининг ишчи гуруҳлари «маҳаллабай» ишлаб, хонадонларнинг электрон рўйхатини шакллантиради, уй-жойга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга асос бўлувчи ҳужжатларни тўплайди ва электрон базага киритади. Ҳар бир хонадондаги мавжуд вазият ўрганилар экан, бу жиҳатларни одамларга содда тилда тушунтириш, кадастр ҳужжатларисиз мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланишда қийинчиликлар туғилишини англаш зарур. Шундагина улар ҳеч ким ердан ноқонуний, ўзбошимчалик билан фойдаланишга ҳаққи йўқлигини тушуниб етди.

ТИББИЁТ

Шифокорлар икки миллион сўм қўшимча маош олади



ОЛИС ВА ЧЕККА ХУДУДЛАРДА УЗЛУКСИЗ 3 ЙИЛ ИШЛАГАН ШИФОКОРЛАР КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА ТЕСТ СИНОВЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Жорий йил март ойида давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказган «Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадрини учун» мавзусидаги очиқ мулоқотида шифокорлар, умуман, тиббиёт ходимларининг ойлик маошларини қайта кўриб чиқиш, уларга устамалар бериш масалалари муҳокама қилиниб, хусусан, оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиника ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида кундузги стационар иш вақти соат 20:00 га қадар узайтирилиши ҳамда уларда ишловчи тиббиёт ходимлари учун 2022 йил 1 июндан бошлаб, қўшимча устама ҳақи белгиланиши айтиб ўтилган эди.

Шифокорлар ва олис ху- дудлар аҳолиси анчадан буён кутган яна бир янгилик — 2022 йил 1 майдан бошлаб, бирлам- чи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан олис масо- фада жойлашган маҳаллаларда маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилиши бўлганди. Олис ва чекка ху- дудлардаги

оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар- да фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақи- га қўшимча 2 миллион сўм миқдорида ҳар ойлик устама белгиланиши ҳамда уларга ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизигача қисми, бироқ ба-

завий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробаридан ошмаган миқдорда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши тўғрисидаги ташаб- буслар соғлиқни сақлаш тизи- мидаги ходимлар учун бениҳоя катта имконият бўлди.

Куни кеча Вазирлар Маҳка- маси шифокорларга қўшимча устама тўланадиган олис ва чекка ху- дудлар рўйхатини тас- диқлади. Мазкур ҳужжат соҳада олиб борлаётган ислохотлар, шифокорлар турмуш тарзини янада яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбир- ларнинг мантикий давоми бўлди, десак янглишмаймиз.

— **Хукумат қарори билан бирламчи тиббий-санитария муассасаларида фаолият**

юритаётган шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча ҳар ойлик устама тўланадиган олис ва чекка ху- дудлар рўйха- ти тасдиқланди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Фурқат Саъев. — Мазкур ҳа- ракатлар олис ва чекка ху- дуд- ларда оилавий шифокор пун- ктлари ва оилавий поликли- никалари шифокорлари учун «Қишлоқ шифокори» дастури доирасида амалга ошири- лади. Янги тартибларга, қўра олис ва чекка ху- дудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар- да фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақи- га қўшимча 2 миллион сўм миқдорида ҳар ойлик устама

белгиланади ҳамда уларга ипотека асосида уй-жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизигача қисми, бироқ БҲМнинг 500 баробаридан (150 млн. сўмдан) ошмаган миқдор- да қоплаб берилади. Олис ва чекка ху- дудларда узлуксиз 3 йил ишлаган шифокорлар кли- ник ординатурага тест синов- ларисиз қабул қилинади.

Албатта, кейинги йилларда тизимда катта амалий ҳаракат- ларга қўл уриляпти. Янги тар- тиблар ислохотларнинг узвий давомидир. Зеро, шифокорга эътибор айнан халққа, фуқа- роларга эътибор демакдир. Чунки халқимиз саломатлиги уларнинг қўлида.

У.ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

АЁЛЛАР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИДА ИШЛИ БЎЛЯПТИ



Қашқадарё вилояти Ғузур туманидаги 51 та маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари томонидан «Ҳоким ёрдамчиси – Янги Ўзбекистон ислохотчиси» тамойили асосида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалий ишлар олиб бориляпти.

Хусусан, «Бўстон» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан тадбиркор Н.Авазов томонидан 160 миллион сўм банк кредити ва 200 миллион сўм тадбиркорнинг ўз маблағи эвазига «Шалола» текстиль корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 50 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланди. Шунингдек, аҳолининг талаб ва истаклари инобатга олиниб, «Баттош» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан мазкур маҳаллада «Шалола» текстиль корхонаси филиали ташкил этилди ва 30 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

«Апарди» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Қўқон Нурманов тавсиясига кўра, шу ерда яшовчи М.Жўраевага «Агробанк» Ғузур филиалидан имтиёзли кредит ажратилди. Банк томонидан ажратилган 72 миллион сўм кредит ва фуқаронинг 20 миллион сўм ўз маблағи эвазига бўш турган бинода ташкил этилган тикувчилик цехига 15 нафар хотин-қиз ишга қабул қилинди.

Бундан ташқари, ҳоким ёрдамчисининг ташаббуси билан Ш.Нурралиевага хунаромандлар уюшмасига аъзолик бадали тўлаб берилиб, тадбиркорлиги йўлга қўйилди. Натижада 5 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, жорий йил 15 сентябрдан бошлаб, ҳоким ёрдамчилари тавсиясига кўра, сабзавот, дуккакли ва мойли экинлар бўйича уруғлик, ўғит, ёқилғи, ўсимликлар ҳимояси ҳамда айланма маблағ учун 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратиш йўлга қўйилиши белгиланди. Бу маблағларнинг ярмини нақд пулда ажратишга рухсат берилади. Бунинг учун Боғдорчилик агентлигига қўшимча 300 миллиард сўм ажратилади. Эндиликда картошка, сабзавот, ёғ-мой экинлари экадиган кластер ва деҳқонларга ҳосилни суғурталаш харажатиинг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади.

Мафтуна ШУКУРОВА.



БИЛАСИЗМИ?

2023 йил 31 декабргача чекка қишлоқ ва тоғли жойларда оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиш харажатларининг 30 фоизгача, лекин 10 миллион сўмдан ошмаган миқдорда, камида 5 йил давомида фаолият олиб бориш ҳамда белгиланган тартибда ташриф буюрувчиларни автоматлаштирилган махсус электрон дастурга киритиб бориш шarti билан компенсация қилиб берилади.

Компенсация Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилади.

ҚУЛАЙЛИК

ИПОТЕКА

КРЕДИТИ ПУЛЛАРИ ДАРОМАД СОЛИҒИГА ТОРТИЛМАЙДИ

СУБСИДИЯЛАНГАН ИПОТЕКА БЎЙИЧА БИР ЙИЛДА 73,6 МЛН. СЎМ ЁКИ ОЙИГА 6,1 МЛН. СЎМЛИК ДАРОМАДЛАР СЎНДИРИШГА ЮБОРИЛГАНДА, СОЛИҚҚА ТОРТИЛМАЙДИ. ҲОЗИРДА БУ МИҚДОР ҚАРИЙБ БЕШ БАРОБАР КАМ — 15 МЛН. СЎМ

Ҳар бир юрдошимиз ватан ичра ўз ватани, яъни уйи бўлишини истади. Шу мақсадда ҳатто таниш-билишдан қарз эвазига бўлса-да, хонадон сотиб олишга интилади. Кўплар эса ипотека кредитлари ҳисобига уй-жой харид қилишга ҳаракат қилади. Аммо барча банклардан ўзимиз хоҳлаган фоизда ипотека кредити ололмаймиз. Аини шу муаммоларга ечим сифатида кунни кеча «Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«КОРОБКА» УЙЛАРГА СУБСИДИЯ АЖРАТИЛАДИ

Қарорга мувофиқ, 2023 йил 1 январдан уй-жой учун субсидия берилган фуқароларнинг ипотека кредитлари ва уларнинг фоизлари учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари даромад солиғига тортилмайди. Мазкур имтиёз қарз олувчи ва бирга қарз олувчилар даромадининг бир солиқ даврида меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 80 бараваридан ошмаган

қисмига татбиқ этилади.

Яъни субсидияланган ипотека бўйича бир йилда 73,6 млн. сўм ёки ойига 6,1 млн. сўмлик даромадлар сўндиришга юборилганда, солиққа тортилмайди. Ҳозирда амалдаги Солиқ кодекси бўйича имтиёзлар субсидияланган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни солиқ даври давомида жами 15 миллион сўмгача бўлган қисмига қўлланилади.

Қолаверса, 2021 йилдан ипотека кредитига олинган

мол-мулк олинган санадан 36 ойда қайта сотилса, кредит ва фоизлар учун йўналтирилган даромад солиққа тортилади.

2022 йил 1 ноябрдан «коробка» ҳолатдаги уй-жойлар учун ипотека кредитлари ҳамда субсидия ажратишга рухсат берилди. Бунда хусусий пудрат ташкилотлари томонидан тайёр ҳолда топшириш шартисиз қурилган уйлардаги квартираларни (хоналарга бўлинган ва пардоз ишларига тайёр) бирламчи уй-жой бозорига сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишга ҳамда улар бўйича дастлабки бадалнинг ва ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия тўлашга рухсат берилди.

Қарор билан 2021 йилда берилган субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномалар-

нинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача узайтирилди.

«Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖга банклар томонидан аҳолига берилган ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун 3 йил муддатга 12 фоиз ставкада ва фоиз тўловларини ҳар 6 ойда тўлаш шарт билан 300 млрд. сўмгача бюджет ссудаси ажратилади. Бунда Компания ресурсларни тижорат банкларига 1 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда маржа қўллаган ҳолда жойлаштиради.

Эндиликда Тошкентдаги каби уй-жойлар ва ипотека кредит олишда фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш учун вилоятлар марказларида ҳам ипотека марказлари ташкил этилади. Бу марказларда ҳудудда уй-жой қурилишини амалга ошираётган қурилиш-пудрат (девелопер) ташкилотларининг сотув офислари, тижорат банкларининг банк бурчаги ва кассалари ҳамда хусусий нотариал идоралар жойлаштирилади.

СУБСИДИЯГА УЙ ТОПИШ МУШКУЛ...

Ҳа, қарор асосида энди уй-жой сотиб олиш тартиби янада осонлашди. Аммо шу ўринда айрим муаммолар бўйича мулоҳазаларни айтиб ўтишни лозим топдик. Масалан, уй-жой сотиб олишга ажратилган субсидиялардан фойдаланиш имконсиз масалага айланиб қолмоқда. Яъни субсидия олган ҳар 10 нафар юрдошимизнинг атига 1 нафари уй-жой сотиб олса оляптики, бўлмаса йўқ. Қайси қурилиш фирмасига мурожаат қилманг, бизда субсидияга уй йўқ, деган жавоб оласиз. Айримларида бўлса-да, нархлар ипотека кредитига тавсия этилаётган квартиралар баҳосидан кескин фарқ қилади.

Масалан, ипотека кредитига 1 кв.метр 5 миллион бўлса, субсидияга сотиб олиш учун

шу уйнинг квадратини 8-10 млн. сўмдан харид қилишга мажбурсиз. Шунда ҳам барча қурилиш компаниялари субсидияга уй сотишни таклиф этишмайди. Ўз-ўзидан нега қурилиш фирмалари субсидияга уй-жойларни сотишни ишташмайди ёки нархини бу қадар кўтариб юборишади? Аслида, уларга ҳар икки тўлов турида ҳам пул ўтказиб берилди-ку? Яъни давлат субсидияга ажратилган маблағни уларнинг ҳисоб-рақамига ўтказиб берса, нега улар бу савдодан қочишади?

ЯНА БИР САВОЛЛИ ЖИХАТ — ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАР ИПОТЕКАГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛАДИ? ҲУҚУҚШУНОС БАҲОДИР АҲМЕДОВ АЙНИ МАВЗУДА ЎЗ ТАКЛИФИНИ БИЛДИРИБ, ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ КРЕДИТ ВА ИПОТЕКА ОЛИШ СТАТУСЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРИШЛАРИ КЕРАКЛИгини ТАЪКИДЛАДИ. РОСТАН ҲАМ, БУГУНГИ КУНДА МИНГЛАБ ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН. РЕПЕТИТОРЛАР, ФРИЛАНСЕРЛАР, УЙИДА ПИШИРИҚ ҚИЛАДИГАНЛАР, ХУНАРМАНДЛАР, САРТАРОШЛАР ВА ЯНА БИР ҚАТОР АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИ ШУ ТОИФАГА КИРАДИ. АММО УЛАРГА ИПОТЕКА ЁКИ КРЕДИТ БЕРИШ ТИЗИМИ ЙЎҚ.

Ўйлаймизки, аҳоли томонидан билдирилган таклифлар асосида бу муаммолар барта-раф этилса, ипотека кредитларига уй-жой сотиб олиш имконияти янада ошади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«ТОШ ОТА» МАҲАЛЛАСИ ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИГА АЙЛанаДИ

Анджон вилояти ҳокими ташаббуси билан вилоят ишчи гуруҳи Хўжаобод туманидаги «Тош ота» маҳалласида ўрганиш ишларини олиб бормоқда.



Ўрганишлар ҳудудда ташкил этилган 30 дан ортиқ оилавий меҳмон уйлари ҳамда дам олиш масканлари фаолиятини ривожлантириш, ҳудуднинг инфратузилма ҳолатини янада яхшилаш ва дам олувчилар учун қўшимча қулайликлар яратишга хизмат қилади.

Ушбу ҳудудни туризм қишлоғига айлантириш орқали 100 га яқин оилавий меҳмон уйлари, 10 дан ортиқ кўнгилочар масканлар, эсдалик ва хунармандчилик савдо расталари ва бошқа қўшимча хизмат кўрсатиш соҳалари фаолияти йўлга қўйилади.

Мухбиримиз.

НИГОҲ

Истилоҳда «мардикор» сўзида қандайдир камситувчи маъно бордай туюлади. Аслида, бировнинг қорига яраган мардикор инсон «мардикор» деб айтилади. Бу сўзнинг «маданӣроқ» синоними бордай: ёлланиб ишловчилар! Ҳозир гап шу ва шу каби сўзларнинг маъноси ҳақида эмас. Гап ўша ёлланиб ишловчилар ёки қисқача айтганда, мардикорларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари тўғрисида.

«Мардикор» = ёлланма ишчининг ҳуқуқини ким ҳимоя қилади?

ҚОНУНЧИЛИКДА, МИСОЛ УЧУН, АГАР БИРОР-БИР МАРДИКОР ИШ ЖАРАЁНИДА ЖАРОҲАТ ОЛСА ЁКИ ВАФОТ ЭТСА, УНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМАГАНИ УЧУН КИМ ЖАВОБГАР БЎЛИШИ БЕЛГИЛАНМАГАН

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Маълумки, иш ва хизматлар кўрсатиш фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади. Лекин ёлланиб ишловчиларнинг хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти-чи? Улар ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганми? Йўқ-да! Биласиз, меҳнат шартномаси ходим ва иш берувчи ўртасида (меҳнат) муносабатларни юзага келтиради. Тартиб-таомил меҳнат қонунчилиги асосида белгиланади. Бироқ ёлланма ишчилар, яъники, мардикорларда бундай имконият йўқ даражада.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумот беришича, 2022 йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолатига кўра, Ўзбекистондаги меҳнат ресурслари сони **19 млн. 453,3 минг кишига** етди. Шунинг 2 миллион нафардан ортиғи хориждаги меҳнат мигрантлари ҳисобланади. Мамлакатда ишсизлик даражаси йил бошидаги 9,6 фоиздан (**1,4 млн. киши**) июнга келиб **8,8 фоизгача (1,3 млн. киши)** камайди. Бунда 30 ёшгача ёшлар ишсизлик даражаси 14,5 фоизни, аёллар ўртасида 12,8 фоизни ташкил этди.

Эътиборлиси, ҳисобот даврида **норасмий секторда**

ишловчилар сони (**5 690,3 минг киши**) 2021 йилга нисбатан 8,2 фоизга ёки 507,5 минг кишига камайган. Бунда, асосан, норасмий тарзда фаолият кўрсатган фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда бўш турган ерларни экин майдонлари сифатида деҳқон хўжалиқларини ташкил қилиш учун ажратиб берилиши ҳисобига эришилган.

МАРДИКОР ИШ ЖАРАЁНИДА ВАФОТ ЭТСА...

Шундай бўлса-да, ишга муҳтож аҳоли сони ҳамон баландлигича қолмоқда. Ўз ўзидан аҳолининг иш билан банд бўлмаган қатламининг катта қисми ёлланма ишчи кучига айланиши табиий ҳол. **Бироқ бугунги кунда ёлланиб ишловчи ишчи хизматчилар фаолиятининг айрим масалалари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган.** Норасмий ёлланган ишчилар, биринчи навбатда, ҳуқуқат томонидан кафолатланган ижтимоий имтиёزلарни олмайдди, айниқса, шикастланиш ҳолати содир бўлган вазиятда ишчи мутлақо ҳимоясиз қолади.

Мисол учун, агар бирор-бир мардикор иш жараёнида жароҳат олса ёки вафот этса, унинг хавфсизлиги таъминланмагани учун ким

жавобгар бўлиши белгиланмаган. Бундан ташқари, ёлланиб ишловчи шахсларга бажарган иши учун келишилган ҳақ тўлиқ тўлаб берилмаса ёки умуман тўланмаса, мазкур шахслар кимга мурожаат қилишлари ҳам бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатиб ўтилмаган. Тўғри, улар умумий тартибда судга мурожаат қилиши мумкин. Лекин бу узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бунга мардикорда вақт, иштиёқ ва имконият қайда, дейсиз?! Уларнинг меҳнатини эксплуатация қилган шахсларга нисбатан самарали таъсир чоралари белгиланмагани муаммо устига муаммо туғдиради.

Бундай ёлланма ишчилар сафига нафақат туманлардан вилоят марказларига келиб ишловчи ишчи кучлари, балки мавсумий қурилиш ишларида банд бўлган кўплаб ишчилар, тарбиячилар, энагалар, ошпазлар, боғбонлар, ҳайдовчилар, ўқитувчилар, репетиторлар ва уй хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи бошқа касб вакиллари қиради.

АЛОҲИДА ҚОНУНЛАР КЕРАК...

Бу борада хориж тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Германия, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларда ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқлари

БУНДАЙ ШАРОИТДА ЁЛЛАНМА ИШЧИЛАРНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ДАВЛАТ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШИ КЕРАК? МАСАЛАН, ИШЧИЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИ ФОНДИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТДАН КЕЛАДИГАН ДАРОМАДНИНГ ҚАНЧА ҚИСМИ БЎЛИШИ КЕРАК? БУНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ, ДАВЛАТМИ ЁКИ ТАДБИРКОРМИ?

кафолатлари ишлаб чиқилган. Лекин мазкур давлатларда, асосан, хорижий меҳнат мигрантлари ва ноқонуний кириб келиб меҳнат қилаётганлар ўртасидаги ҳуқуқий тафовутларни белгилаш мақсадида нормативлар ишлаб чиқилган.

Бизда эса... Демак, бизда ҳам ички миграция, кунлик ёки муайян ишнинг натижасини топширгунга қадар бўлган оғзаки шартнома асосида меҳнат қилувчиларнинг ҳуқуқлари ка-

фолатланган ҳуқуқий ҳужжатга эҳтиёж катта. Бу эса «Ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Қонун билан ёлланма ишчилар муайян ҳақ эвазига ёлланиб, маълум бир ишларни бажарганлиги учун унга тўловлар тўлиқ ёки умуман амалга оширилмаганда, меҳнат шароитлари ва санитар-гигиеник талабларга жавоб бермайдиган жойларда ишлаганлиги учун соғлиғига зарар етказилган ҳолларда, шунингдек, ишлар(хизматлар)ни бажариш вақтида соғлиғига зарар етган, жароҳат олган ёки вафот этган ҳолларда ҳуқуқлари кафолатланади.

Шу билан бирга, соҳадаги миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш, ички меҳнат мигрантлари (ёлланма ишчилар) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида «Ички меҳнат миграцияси тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш вақти келди. Соҳадаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, албатта, фуқаролар манфаатига, ёлланма ишчилар ҳуқуқларининг таъминланишига хизмат қилади.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

26 ТА МАҲАЛЛА УЧУН 52 МЛРД. СЎМЛИК 83 ТА ЛОЙИҲА

2022 йилда республика бюджети маблағлари ҳисобидан Жиззах вилоятидаги 26 та маҳалла учун жами қиймати 52,0 млрд. сўмлик 83 та лойиҳаларнинг манзилли рўйхати тузилди.

Рўйхатдан ўрин олган маҳалла-ларда инфратузилмани комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация объектиларини барпо этиш ва шу асосида аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва жойларда тадбиркорлик ҳамда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш асосий мақсад қилиб олинган.

Мазкур дастурга асосан, Жиззах шаҳри «Олмазор» маҳалласидаги Сар-

бон кўчасининг 800 метр, К.Ёрматов кўчасининг 630 метр, Наврўз кўчасининг 735 метр, Тозариқ кўчасининг 300 метр ҳамда Олмазор кўчасининг 1,36 км. қисми асфальтланади.

Шунингдек, шаҳарнинг «Нурлиобод» маҳалласидаги Олимлар кўчасининг 1,5 км., Навниҳол кўчасининг 700 метр қисмини асфальт қоплама билан таъмирлаш режалаштирилган.

Мухбиримиз.



ТАЪЛИМ

Қарорда 2022 йилдан бошлаб давлат органларига ишга қабул қилиш ва юқори лавозимга тайинлаш учун хорижий тилни билиш талабгорга қўйиладиган мажбурий малакавий кўникма сифатида белгилансин, дейилган.

Мутахассисларнинг чет тилларини ўрганиш даражаси қониқарлими?

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ЧЕТ ТИЛЛАРИ БЎЙИЧА КУРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ МАСАЛАСИ ҲАЛ ЭТИЛГАНИЧА ЙЎҚ. ТЎҒРИ, АЙРИМ ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИ НОМИГАГИНА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. АММО БУНИ ҚАРОР ТАЛАБЛАРИНИНГ ТЎЛА ИЖРОСИ СИФАТИДА ҚАБУЛ ЭТИШ ҚИЙИН.

Шу кунларда аввал қабул қилинган ва ижроси анча куттирган қарор фармонларни амалиётга татбиқ этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимизнинг энди янги ҳужжатлар қабул қилиниши камайиши, асосий эътибор мавжудларнинг ижросига қаратилиши тўғрисидаги гапларини эслаб ўтиш лозим. Масалан, узоқ ҳудудларда фаолият юритаётган соғлиқни сақлаш тизими ходимларига устамалар тўлаш тартиби кун кеча қабул қилинди. Ваҳоланки, бу ҳақида Президент талаблари йил бошида айтиб ўтилган эди.

Биламизки, «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ, хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан ошириш, соҳага малакали педагогларни жалб этиш ҳамда аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадига йўналтирилган Президент қарори ўтган йили май ойида эълон қилинган эди. Унга кўра, қишлоқ жойларда чет тилларини ўқитишга ихтисослашган ўқув марказлари ташкил қилиш ниятидаги тадбиркорлар учун 50 миллион сўмгача субсидиялар ажратилиши қўзда тутилган эди.

ҲЕЧДАН КЎРА, КЕЧ ЯХШИ...

Куни кеча — 21 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси ана шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқлардаги чет тилларини ўргатувчи нодавлат таълим ташкилотларига субсидия ажратиш тартибини белгилади.

— *Ҳукумат қарорига кўра, қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан бир марталик субсидия ажратиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди, — дейди Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Лайло Рустамова. — Регламентга кўра,*

субсидия нодавлат таълим ташкилотларига мақсадли равишда ажратилади. Бино ва ўқув хоналарини замонавий ахборот коммуникация технологиялари, мебель, асбоб-ускуналар, ўқитишнинг техник воситалари ва бошқа анжомлар билан жиҳозлаш, зарур дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар ва бошқа кутубхона-ахборот ресурслари ҳамда воситалари билан таъминлаш, таълим жараёнини ташкил этишга жалб этиладиган педагог кадрлар меҳнатига ҳақ тўлаш шулар жумласидан.

Нодавлат таълим ташкилоти субсидия олиш учун календарь йилнинг ҳар чораги биринчи ойининг 10 санасигача ЯИДХПда электрон рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилишлари керак. Мурожаатга 2 йилга мўлжалланган бизнес режа, маҳсулот етказиб бериш ёки ишларни, хизматларни бажариш тўғрисида тузилган ҳўжалик шартномалари, педагог кадрлар билан тузилган меҳнат шартномалари, педагог кадрларнинг хорижий тилни билиш даражасини тасдиқловчи сертификатлари, таълим жараёнида фойдаланилаётган бино ёки ўқув

хоналарининг ижара шартномаси (кўчмас мулк ижараси асосида фаолият юритаётган нодавлат таълим ташкилотлари учун) илова қилиниши керак.

ТИЛ ЎРГАНИШ БАРЧАМИЗ УЧУН КЕРАК

Шу билан бирга, субсидия талабгорларидан юқорида кўрсатилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланди. Талабгор томонидан давлат хизматидан фойдаланиш учун тўлов амалга оширилмайди. Вазирлар Маҳкамаси эълон қилган ҳужжатга кўра, юқоридаги тартиб 2022 йил 1 октябрдан амалга киритилади.

Албатта, юқорида айтилган тартиб Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг айрим бандлари ижросини таъминлайди. Кўплаб бандлар юзасидан эса самарали ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Шунга қарамай, ҳануз эътибордан четда қолаётган талаблар

мавжуд. Масалан, корхона ва ташкилотларда чет тиллари бўйича курсларни ташкил этилиши масаласи ҳал этилганича йўқ. Тўғри, айрим давлат ташкилотларида инглиз тили дарслари номигагина олиб борилмоқда. Аммо буни қарор талабларининг тўла ижроси сифатида қабул этиш қийин.

Масалан, қарорда давлат хизматчилари томонидан хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини ошириш ҳамда давлат органларини юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар билан тўлдириш мақсадида 2021 йил 1 июлдан бошлаб давлат органларида таълим ташкилотлари ўқитувчиларини шартнома асосида жалб қилиб, ҳафтада камида бир марта ходимларни хорижий тилга ўқитиш амалиёти йўлга қўйилсин, дея белгиланган. Шу билан бирга, 2022 йилдан бошлаб давлат органларига ишга қабул қилиш ва юқори лавозимга тайинлаш учун хорижий тилни билиш талабгорга қўйиладиган мажбурий малакавий кўникма сифатида белгилансин, дея кўрсатилган.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

МАНЗАРА

«МАҲАЛЛАМИЗ БИНОСИ НУРАГАН, ТАЪМИРТАЛАБ»

Маҳалламит Самарқанднинг жуда қадимий ҳудудларидан бири. Манбаларда келтирилишича, Бобур Мирзо Темурийлар пойтахтини қўлга киритганидан сўнг, Андижондан у билан бирга келган сарбозу навкар, аёнларига шу жойдан ер ажратиб беради. Ушандан буён мана беш юз йилдан ортиқ вақт ўтибдики, маҳалламит «Андижоний» деб аталмоқда.



Ҳозирда маҳалламитда 6 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг асосий тирикчилиги деҳқончилик, боғдорчилик, мебелсозлик саналади. Томорқаларда сабзавотлар етиштирилмоқда. Кейинги йилларда иссиқхоначилик урфга кириб борапти. Жорий йил 5 та хонадонимизда иссиқхона барпо этилди. Улар кўчатчилик билан шуғулланади. Бизда етиштирилган олма, гилослар бозорларимизда харидорғир. Асосан Самарқанд шаҳар бозорларида сотилади. Меваларни экспорт учун тайёрлайдиган тадбиркорларимиз ҳам бор. Худудимизда 7 та мебель ясаш устахонаси фаолият юритади. Уларда ётоқхона, ошхона, умуман, рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади. Ўтган йиллар мобайнида қатор хунармандларга ишни йўлга қўйиш учун кредитлар олишда

қўмаклашдик. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида 3 нафар ёшга дастгоҳ, ёғоч ва бошқа зарур маҳсулотларни харид қилиши учун банк кредитлари олиб бердик. Қатор хотин-қизларга тикув машиналари совға қилинган.

«Темир дафтар»да олти нафар фуқаро бор. Уларга ҳар томонлама қўмаклашиб келяпмиз. Масалан, пайвандлаш асбоби, электр арралар, кашта тикувчи машиналар текинга берилган. 12 нафар фуқарога деҳқончилик қилиши учун 10 сотихдан ер ажратилган. Паррандачилик ривожланиб бормоқда.

Шу билан бирга, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, идорамиз биноси ҳозирда таъмирталаб. Деворлар нураган. Хоналардан зах хиди келиб туради. Бундан ташқари, худудимизда қўшимча сув минораси ўрнатилиши керак.

Ҳозирда мавжуд ичимлик сув таъминоти тизими аҳоли эҳтиёжини тўла қопламаяпти. Икки километр қувурларни алмаштиришимиз зарур. Мазкур масалаларда тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Ўйлаймизки, тез орада муаммолар ижобий ҳал этилади.

Таклифим: кўпчилик раисларники билан ҳамоҳанг. Биз оилаларда бола тарбияси масаласига чуқурроқ эътибор қаратишимиз лозим. Масалан, ўтган йили бизнинг маҳаллада бир нафар оила ажрашиб кетди. Ҳаммаси оилада тарбиянинг етарли бўлмагани билан боғлиқ. Мактаб ва ота-оналар муносабатини қучайтиришимиз керак.

Адаш ЖАЛИЛОВ,
Самарқанд туманидаги
«Андижоний» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

МУНОСАБАТ

Ҳомиладорлик нафақасини давлат тўлаб берадими?

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда меҳнат шартномаси асосида охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ягона миллий меҳнат тизимида расман бандлиги тасдиқланганда, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлари базасида мавжуд бўлганда тўлаб берилади.



«ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ БЎЙИЧА ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ НАФАҚАСИНИ ТАЙИНЛАШ ҲАМДА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМГА МУВОФИҚ ХУСУСИЙ ТАШКИЛОТ ХОДИМЛАРИГА ҲОМИЛАДОРЛИК НАФАҚАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТЎЛАШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Шу кунгача бу маблағлар «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра тўланиб, бюджет ташкилотлари томонидан – меҳнат ҳақи жамғармасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан – фойда солиғини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Яъни хусусий секторда банд аёлларнинг «декрет» пули ҳам, бола парвариши нафақалари ҳам иш берувчининг «саховати»га боғланиб қолганди.

Давлат ташкилотларида ишлайдиган хотин-қизлар учун бюджетдан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа пуллари ажратилган ҳолда хусусий секторда ишлайдиган хотин-қизларга «декрет» пули иш берувчи зиммасига юклатилганди. Бу, ўз навбатида, эътирозларга сабаб бўлаётганди. Янада соддарок тушунтирсак, эски Низомга кўра, бюджетдан ташқари ташкилотларда ишловчи аёлларга маблағларни солиқларни чегириб қолган ҳолда иш берувчи ҳисобидан тўланиши аксар ҳолларда иш берувчилар томонидан бу пуллари тўлаб бермасликка ҳам сабаб бўлаётганди.

Жорий йил 20 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ижтимоий суғурта тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, шу асосида тегишли Низом тасдиқланди. Унга кўра, юқоридаги каби бўшлиқлар тўлдирилди. Яъни бюджет ташкилотларидан бошқа барча юридик шахсларда 6 ой узлуксиз ишлаган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш тартиби белгиланди. Бунинг учун Молия вазирлиги ҳузурида Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилиб, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари Давлат бюджети маблағлари

ҳисобидан, Ижтимоий суғурта жамғармаси орқали минимал истеъмол харажатларининг 4 баравари, яъни 1 млн. 992 минг сўм миқдорда тўлаб берилади.

Шунга кўра, юридик шахсларнинг нафақа тўлаш мажбурияти Жамғарма ҳисобидан тўланган нафақа миқдорига камайтирилади.

Маълумот учун, юридик шахслар томонидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўлаб берилиши амалдаги қонунийликка кўра давом эттирилади. Фақат корхона томонидан ҳомиладор аёлга тўлаб берилиши лозим бўлган умумий сумманинг 2 млн. сўмгача бўлган қисми Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ижтимоий суғурта жамғармаси орқали тўлаб берилади. Белгиланган тартибда ҳисобланган ҳомиладорлик ва туғиш нафақасининг қолган қисми эса иш берувчи томонидан тўлаб берилиши лозим.

Мазкур тартиб сентябрь ойидан жорий этилаётганини инобатга олиб, шу ойда

меҳнатга лаёқатсизлик варақаси нафақани тайинлаш ва тўлаш учун асос бўлади. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилгандан 5 иш кунда маълумотлар масъул тиббиёт ходими томонидан «Тиббиёт» ахборот тизимида киритилади ва маълумотлар «Ягона реестр» тизимида юборилади.

«ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ НАФАҚАЛАРИ УЧУН ҲЕЧ ҚАЕРГА МУРОЖААТ ЭТИШ ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ, ХИЗМАТ ПРОАКТИВ ТАРЗДА КЎРСАТИЛАДИ.

«Ягона реестр» тизими томонидан нафақа тайинлаш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниб асослантилган ҳолда нафақа олувчининг телефонига SMS-хабар юборилади. Нафақа ойнанинг 10-санасигача

нафақа олувчининг пластик картасига ўтказиб берилади. Ҳомиладор аёлимизнинг шахсий пластик картаси бўлмаганида ойнанинг 27-санасигача нақд кўринишда берилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу тартиб натижасида аёллар ўртасидаги сунъий ўрнатилган «камситиш»га барҳам берилди. Бир сўз билан айтганда, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда меҳнат шартномаси асосида охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ягона миллий меҳнат тизимида расман бандлиги тасдиқланганда, меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлари базасида мавжуд бўлганда тўлаб берилади.

Г.МУРОДОВА,
Молия вазирлиги мутахассиси.

ҚУЛАЙЛИК

БЕПУЛ ТРАНСПОРТ КАРТАЛАРИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?



Жамоат транспортида юриш, тўловларни амалга ошириш борасида янги электрон ҳисоблаш тартиблари амалга кирганидан сўнг қатор қулайликлар билан бирга, тушунмовчиликлар ҳам вужудга келган эди. Айниқса, имтиёзли йўловчилар, ногиронлиги бор шахслар, уруш қатнашчилари ва бошқаларнинг ҳисобини юритиш эскича усулларда қолиб кетганди. Натижада айрим йўловчилар ва чиптачилар ўртасида келишмовчиликлар вужудга келган ҳолатлар ҳам бўлди.

Мазкур масалани ҳал этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Шаҳар йўловчилар транспортида (йўналишли ва йўналишсиз таксидан ташқари) айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

КИМЛАР БЕПУЛ ЮРАДИ?

Юқоридаги ҳужжат айна масала юзасидан барча саволларга жавоб бўла олади.

— Янги тартибларга мувофиқ, бир қатор шахсларга имтиёзли транспорт картаси берилади, — дейди **Транспорт вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Наврўз Аширматов.** — Аввало, 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари бўлган ҳарбий хизматчилар, уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ

ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахслар, фронт ортида фидокорона меҳнати ва бепул ҳарбий хизмати учун ордено ва медаллар билан тақдирланган шахслар, Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналминалчи жангчи фуқаролар шулар жумласига киради. Шунингдек, ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича оддий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидagi ҳарбий хизматчилар, Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар, кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахсларга имтиёзли транспорт картаси берилади.

ЯНГИ ЭЛЕКТРОН КАРТАЛАР ҚАНДАЙ ОЛИНАДИ?

Янги имтиёзли транспорт карталарини олиш учун ҳудудий транспорт бошқармаларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталига мурожаат йўллаш лозим. Ваколатли орган аризани 2 иш кунда ўрганиб имтиёзли карта бериш ёки унинг берилишини рад этиш ҳақида мурожаат қилувчига маълумот юборади. Давлат хизматини кўрсатганлик учун йиғим ундирилмайди, имтиёзли карта чекланмаган муддатга берилади.

Қарорга мувофиқ, имтиёзли транспорт карталарини бериш босқичма-босқич амалга оширилади. Жараён Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида – 2023 йил 1 январдан, республиканинг барча шаҳарларида – 2023 йил 1 майдан бошланади. Эски намунадаги гувоҳномалар 2023 йил 1 сентябргача ўз кучини сақлаб қолади.

У.ИБОДИНОВ.

ҲОЛАТ

2023 йилдан бошлаб, республиканинг сейсмик фаол зоналарида баландлиги 9 қават ёки ундан юқори бўлган серияли қурилиши режалаштирилган ёки танлаб олинган бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, сифатини таъминлаш ҳамда камчиликларни олдиндан бартараф этиш мақсадида вибродинамик ускуна ёки замонавий рақамлаштирилган инструментал асбоб-ускуналар ёрдамида синов ва текширув ўтказиб борилади.

Эски уйлар бузилса, янги бериладими?

ЭСКИ КВАРТИРАЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ БУЗИЛИШИ БАРОБАРИДА ЯНГИЛАРИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИГА ХАВФСИЗ ТАРЗДА БАРПО ЭТИЛАДИ. ЭНГ МУҲИМИ, УЙИ БУЗИЛГАН МУЛҚДОРЛАРГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР БЕРИЛАДИ

Хабарингиз бор, жорий йил 30 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Президент фармонида кўра, республика ҳудудидаги кўп квартиралли уй-жойларни йиллар кесимида зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиши белгиланган. Ўз навбатида 1 октябрдан хатлов натижасига кўра, эксплуатация муддатини ўтаб бўлган сейсмик заиф ва авария аломатлари аниқланган кўп квартиралли уйлар ўрнида янги тураржойлар қуриш бўйича тақлифлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиб борилади.

Белгиланган муддат яқинлашган сари ҳамюртларимиз томонидан мавзу доирасида кўплаб саволлар йўлланмоқда. Жумладан, барча эски ҳолатдаги кўп квартиралли уйлар бузилиб, ўрнида янги бинолар қуриладими, деган мазмундаги мурожаатлар сони кўп. Шу боис ушбу фармон ва унда белгиланган вазифалар ҳақида яна бир бор тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Бу амалиётдан мақсад — сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ислохотларнинг аниқ манзиллигини таъминлаш, соҳаларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишларини белгилашдан иборат.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини 2025

йилгача такомиллаштириш концепцияси ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари ҳамда концепциянинг 2022-2023, 2024-2025 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди.

Концепция ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичларига кўра, сейсмология, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш, сейсмологик қузатувлар тармоғини такомиллаштириш, сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўналиши доирасидаги вазифаларни бажариш назарда тутилган. Шунингдек, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, республиканинг сейсмик фаол зоналарида қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган янги объектларга зилзилабардошлик бўйича хулосалар бериш тартиби жорий этилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 2022 йил 1 октябрдан бошлаб, республика ҳудудидаги кўп квартиралли уй-жойларни йиллар кесимида зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилгач, кўп квартиралли уйлар қандай тартибда бузилади?

Фармоннинг аниқ шу қисмида кўпчиликни қизиқтирган саволга жавоб берилган. Аксарият фуқаролар ўйлаганидек, барча эски типдаги уйлар бирдангина ва ўз-ўзидан бузилмайди. Аксинча, хатлов натижасига кўра, эксплуатация муддатини ўтаб бўлган сейсмик заиф ва авария аломатлари аниқланган кўп квартиралли уй-жойлар ўрнида босқичма-босқич янгиларини қуриш бўйича тақлифлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиб борилади.

ЭСКИ КВАРТИРАЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ БУЗИЛИШИ БАРОБАРИДА ЯНГИЛАРИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИГА ХАВФСИЗ ТАРЗДА БАРПО ЭТИЛАДИ. ЭНГ МУҲИМИ, УЙИ БУЗИЛГАН МУЛҚДОРЛАРГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР БЕРИЛАДИ.

Бунда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хатловдан ўтказишга масъул давлат бошқаруви органи этиб белгиланган.

2023 йилдан бошлаб, республиканинг сейсмик фаол зоналарида баландлиги 9 қават ёки ундан юқори бўлган серияли қурилиши режалаштирилган ёки танлаб олинган бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, сифатини таъминлаш ҳамда камчиликларни олдиндан бартараф этиш мақсадида вибродинамик ускуна ёки замонавий рақамлаштирилган инструментал асбоб-ускуналар ёрдамида синов ва текширув ўтказиб борилади.

Ҳўш, концепциянинг амалга оширилишидан қандай натижалар кутилмоқда? Аввало, сейсмология, иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини янада ривожлантиришга ҳамда келажакда Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва фавқулодда ҳодисаларда мавжуд ресурсларнинг оқилона тақсимланишига имкон беради. Аҳоли барча

катламининг эҳтимолий зилзилаларга тайёргарлиги оширилади.

Кучли зилзилаларнинг даракчиларини аниқловчи мажмуаларни тайёрлашнинг янги модели яратилади. Ер қобиғидаги локал сейсмик фаол тектоник ёриқларнинг техноген кучланганлик деформацияланганлик ҳолатини баҳолайдиган микродорий моделлар, Ўзбекистон ҳудудининг ўрта масштабли сейсмик потенциали баҳоланган турли даражадаги ер ёриқларининг харитаси ишлаб чиқилади. Минтақавий даражадаги сейсмик хавфни баҳолашнинг илмий-услубий асослари

ҳамда Ўзбекистон ҳудудининг майда масштабли сейсмик хатар харитаси базасида дастурий таъминот яратилади. Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини баҳолашнинг замонавий услублари асосида уларни техник ҳолати тадқиқ қилинади. Жамоат, тураржой, саноат бинолари ва иншоотлари учун сейсмик хавф баҳоланади.

Бир сўз билан айтганда, эски квартиралар босқичма-босқич бузилиши баробарида янги инсонлар ҳаётига хавфсиз тарзда барпо этилади. Энг муҳими, уйи бузилган мулкдорлар давлат томонидан янги уй-жойлар берилади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«ТОШҚҮРҒОН АЗИЗ» ВА «ШОҲИМАРДОНОБОД» ЯНГИ БИНОЛИ БҮЛДИ

Фарғона туманида давлат-хусусий шериклик асосида қуриб битказилган иккита янги маҳалла биноси фойдаланишга топширилди.



Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров «Тошқўрғон Азиз» ва «Шоҳимардонобод» маҳаллаларининг янги биноларини топшириш маросимида иштирок этди.

Маҳаллий тадбиркорлар Нозимжон Илҳомжонов ва Одилхон Ғозиев ташаббуси билан қуриб битказилган, ҳар бирининг лойиҳа қиймати қарийб 400 млн. сўм

бўлган 2 қаватли замонавий биноларда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори учун алоҳида хоналар билан бирга, лойиҳа ташаббускорларининг тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Мухбиримиз.

КЎЗГУ

Кейинги йилларда Ватанимиз экологияси, тарихий объектларига ваҳшиёна муносабат тўғрисидаги хабарлар жуда кўп тарқади. Ҳаммаси асосли, ҳаммаси ҳақ. Кимдир — қуйироқ даражали мансабдор жазога тортилганини ҳам эшитдик. Аммо ҳолат ҳеч яхши томонга ўзгармаяпти.

Ўзини ўзи йўқ қилиш санъати...



АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИГА ЗАРАР ЕТКАЗАЁТГАНЛАР КИМЛАР? «ЎЗАРХИВ», БАДИЙ АКАДЕМИЯ, ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, «ГЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ», «БОШПЛАН ЛИТИ» КОРХОНАСИ... АЙНАН ТАРИХИМИЗ, МИЛЛАТИМИЗНИ САҚЛАШИ КЕРАК БЎЛГАН «МИЛЛАТ ҚАЙМОҚЛАРИ» — ЗИЁЛИЛАР МАСКАНЛАРИ

Киноларда кўрамыз, айрим муҳим ҳарбий иншоотлар, технологияларда ўз-ўзини йўқ қилиш дастури бўлади. Масалан, душман қўлига тушиб қолиши хавфи туғилган технология ўша дастурдан фойдаланиб, яратилганидаёқ ичига ўрнатиб қўйилган бомбани портлатади. Ҳўш, бутун бир халқ, бутун бир миллатда ҳам шунга ўхшаш «дастур» бўлиши мумкинми? Мумкин экан...

Ҳеч кимнинг мустамлакаси бўлмаган, мустақил халқ «ўзини ўзи йўқ қилиш» дастурини ишга туширса, уни қандай баҳолаш мумкин? Бунга ўзбек адабий тили, маданияти, тарихига бўлган муносабатларда яққол гувоҳ бўлиб бормоқдамиз. Гап биргина Тошкентда 29 та архитектура ёдгорлигига олиё ваъломотли, гўёки зиёли деб қараладиган фуқароларимиз, корхона ва ташкилотлар томонидан етказилган зарар ҳақида борапти.

Тўғриси, кейинги йилларда Ватанимиз экологияси, тарихий объектларига ваҳшиёна муносабат тўғрисидаги хабарлар жуда кўп тарқади. Ҳаммаси асосли, ҳаммаси ҳақ. Кимдир — қуйироқ даражали мансабдор жазога тортилганини ҳам эшитдик. Аммо ҳолат ҳеч

яхши томонга ўзгармаяпти. Охирги шу каби вазият август ойида Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида «Ўрдатепа» археология ёдгорлиги вайрон қилиниб, унинг ўрнига икки фуқаро уй қургани билан боғлиқ эди. Аввалроқ эса худди шу тумандаги «Гаистонтепа» археологик ёдгорлиги бутунлай вайрон бўлгани, у уй-жой қуриш учун ноқонуний тарзда ажратиб берилгани хабар қилинган эди. Бу каби воқеаларни, афсуски, саноксиз. Энди эса Бош прокуратура мутасадди идоралар билан биргаликда ҳозирга қадар фойдаланиб келинаётган архитектура ёдгорликлари аҳоли Тошкент шаҳрида ўрганилгани тўғрисида хабар тарқалди.

Маҳкама хабарига кўра, пойтахтда мавжуд 290 та

тарихий бинолардан 167 таси ташкилот ва идоралар томонидан фойдаланилмоқда. Маълум бўлишича, объектлардан нотўғри фойдаланиш ва зарар етказиш ҳолатлари мавжуд. Жумладан, ўзбошимчилик билан 29 та архитектура ёдгорлигига зарар етказилган ҳолда, 818 дона кондиционер ҳамда 20 та объектга 36 та соябон ва баннер ўрнатилган. Масалан, давлат муҳофазасига олинган Тошкент иқтисодиёт университети биносига 30 та, Фанлар академиясига (!) 49 та ёки Транспорт университетига 98 та кондиционер ўрнатилган.

— Назорат тадбирларида 21 та объектдаги қонунбузилиши ҳолатлари фойдаланувчиларнинг ўзи томонидан бартараф этилиши таъминланди, — дейди Бош прокуратура матбуот хизмати раҳбари Ҳаёт Шамсутдинов. — Шу билан бирга, 25 та объект фойдаланувчисига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар қўзғатилиб, судларга

юборилди. Хусусан, «Ўзархив», Бадий академия, Фанлар академияси, Рухий касалликлар клиник шифохонаси, «Геология музейи», «Бошплан ЛИТИ» корхонаси ва бошқа идоралар масъул шахсларининг жавобгарлик масаласи ҳал этилди. Назорат тадбирлари давом этмоқда.

«МИЛЛАТ ҚАЙМОҚЛАРИ» ҚИЛАЁТГАН ИШ

Ҳуқуқчиларнинг юқоридаги гапларига яхшилаб эътибор қаратинг. Архитектура ёдгорликларига зарар етказётганлар ким? «Ўзархив», Бадий академия, Фанлар академияси, «Геология музейи», «Бошплан ЛИТИ» корхонаси...

Айнан тарихимиз, миллатимизни сақлаши керак бўлган «миллат қаймоқлари» — зиёлилар масканлари. Ҳўш, буни қандай тушунмоқ керак? Аввал вайрон қилинган, абадиятга йўқотилган тарихий объектларимиз, архитектура ёдгорликларимизни бузилиши ҳам юқоридаги

ташкилотларнинг назаридан четда бўлганига ишонинг қийин. Ахир қаерда нима ёдгорлик борлиги, уни бугунги кундаги аҳоли ҳақидаги маълумотни Фанлар академияси ёки ЛИТИдан ҳам яхшироқ биладиган ташкилот борми?

Биринчи ўринда шу ташкилот аъзолари, академикларимиз тарихий объектларнинг ҳар бир ғишти учун жон ҳолатда курашишлари, телевизор, газета, тармоқдан чиқиб, «дод» солишлари лозим эмасмиди? Шукрки, бугун ОАВ эркин. Шояд бизнинг таҳририятга истаган тарихчи академик келиб «фалон жойда, фалон объект бузиляпти», деб айтса, оламга жар солишга тайёрми. Аммо негадир улар жим. Миллат зиёлиларининг қилаётган иши шу бўлса, бошқалардан хафа бўлмасак ҳам бўлади.

Ўйлаймизки, ишга тушиб улгурган «ўзини ўзи йўқ қилиш» дастури тез орада ўчирилади.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

ОГОҲЛИК

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Кундалик ҳаётимизни «зангори олов»сиз тасаввур этиш қийин. У энг қўлай ёқилғи сифатида турмушимизда кенг қўлланилади. Ана шу ёқилғидан тўғри фойдаланиш, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилиш ёнгин хавфсизлигини таъминлайди. Акс ҳолда озгина эътиборсизлик оқибатида чиққан ёнгин оилага, давлатга катта моддий зарар етказиши мумкин.

Бунинг олдини олиш учун оддий қоидаларга риоя қилинса бас. Жумладан, газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилига камида бир марта тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига беларво қараш ёнгинни келтириб чиқарувчи сабаблардан саналади.

Қолаверса, учкун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш мумкин эмас. Лақ, бўёқлар, мебеллар, синтетик кийимлар шулар сирасига ки-

ради. Ҳозир кўп қўлланиладиган кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган турли буюмлар тез ёнишдан ташқари, кўплаб зарарли моддалар ҳам ажратиб чиқаради.

Айни пайтда ёнгинга қарши кураш, уларнинг олдини олишда замонавий техника воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. Ана шу воситалар орасида ёнгин хавфи ҳақида зудлик билан хабар берувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Европа, Америка қитъасининг кўплаб давлатларида ёнгинни хабарлаш воситалари, назорат мосламалари, қабул-назорат асбобларининг замонавий турларини ишлаб чиқаришга

жиддий эътибор берилади.

Республикаимизда ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий ҳамда ўз корхоналаримизда ишлаб чиқариладиган шундай воситаларга бўлган талаб юқори. Зеро, бу мосламаларни ўрнатиш орқали ёнгин туфайли келадиган моддий ҳамда одамларнинг ҳаётига, соғлиғига етказиладиган зарарнинг олди олинади.

Саидакмал САИДАКБАРОВ, Президент Администрацияси Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлини маси мутахассиси, оддий аскар.



ФИКР

Нондек азиз неъматни чиқиндига чиқарманг!

Тошкент шаҳар «Махсустрас» давлат унитар корхонаси маълумотига кўра, пойтахтимизда кунига 2 тоннага яқин нон чиқиндига ташлаб юборилар экан. Мамлакат бўйича бу қанча бўлишини ҳисоб-китоб қилаверинг.

Бу шунчаки хабар эмас. Бу ҳақида ҳар биримиз, ҳар кун жиддий уйлашимиз керак. Халқимиз исрофгарчилик баракани кетказди, деб бежиз таъкидламайди. Динимизда ҳар бир неъматдан тежаб-тергаб фойдаланишга, асло исрофга йўл қўймасликка чақирилади.

Дунё бўйича тайёр озиқ-овқатнинг 30 фоизи чикитга чиқариларкан. АҚШда бу кўрсаткич 40 фоиз, Буюк Британияда эса 50 фоизгача етади.

Европада йилига 100 млн. тонна, дунё бўйича эса 1,3 млрд. тонна овқат исроф қилинади. Балки шунинг учун Европанинг аксарият давлатларида кафе, ресторанларда исрофга йўл қўйганларга жарима солинади. Осиёнинг айрим давлатларида шундай тақиқ бор. Кўплаб давлатлар шу тартибни қўлламоқчи.

Бундай амалиётни бугун мамлакатимизда қўллаш вақти келгандир. Чунки тўй, йиғин,

кафе ва ресторанларда, ҳатто аза билан боғлиқ маросимларда неъматларни керагидан ортиқ исроф қилишга ўрганиб қолдик.

Ажабланадиган томони, бугун кимдир очликдан, кимдир тўқликдан азият чекапти.

Дунёда очлар сони сўнгги 15 йилда муттасил ўсиб борапти. Яъни тўйиб овқат емаётганлар сони яқин йилларда 1 млрд. кишига етади. Ҳар йили 5 млн. бола очликдан вафот этапти. Аксин-

ча, бугун дунёда ортиқча вазнга эга бўлганлар сони 1,8 млрд. кишини ташкил қилади. Семизлар сони 1 млрд. га яқин.

Қачонки, исрофгарчиликка йўл қўйиб, таомингизни чиқинди қутисига улоқтираётганингизда, дунёда шундай одамлар борлигини бир эслаб қўйинг. Чунки барча ризқи билан яратилган. Балки шу очларнинг ҳисобига семизлар кўпайиб бораётгандир.

Жаҳонгир ЗИЯЕВ.

Тўй, йиғин, кафе ва ресторанларда, ҳатто аза билан боғлиқ маросимларда неъматларни керагидан ортиқ исроф қилишга ўрганиб қолдик.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

«ТўГАРАК МАҲАЛЛАГА ҲОЯТДА КЕРАК»

Қўлида хунари бор одам хор бўлмайди. Мен маҳаллада тарбия, тарғибот ишларини айнан шу асосга таяниб олиб бораман. Умуман, маҳалламиз хунарманд ва тадбиркорлар ҳудуди. Бизда бекор юрган, нолиган ва боқиманда одамни учратмайсиз. «Темир дафтар»га бошқа ҳудудларникига нисбатан анча кам одам киритилган. Бунга юқорида айтганимдек, хунар ўрганишга бўлган катта эҳтиёж сабаб.

Д

еҳқончилик, иссиқхоначилик аста-секин ривож топяпти. Кредит олиб, лимончиликни бошлаш тараддудидаги фуқароларимиз бор. Маҳалламиз намунали ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бизда 541 та хонадонда 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Одамларимиз орасида тадбиркорлар кўп. Савдо-сотиқ, маиший хизмат шохобчалари, новвойлик, хунармандликнинг турли шакллари мавжуд. Оилавий ажралишлар, жиноятчилик кузатилмайди. Келишмовчиликларни муросою мадора, тушунтириш йўли билан



ҳал этилди.

Яқинда ёш бир келинчақ арзимас сабаблар ва оилавий шароитга кўникмай, ажралиш пайига тушиб қолганди. Куёв — қурувчи. Топиши ёмон эмас. Ҳар ҳолда қора қозонни қайнатиш, эл қатори яшашга етарли маблағ орттиради. Аммо келинимизга бу камлик қилди чоғи. Арзимаган нарсалардан жанжал чиқариб, отасиникига кетиш пайига тушиб қолди. Бир неча марта бориб тушунтирдик, аммо жанжал тинай демасди. Охири келин ота уйига кетиб қолди.

Ана шунда кўпчилик бўлиб, тушунтириш ишларини олиб бордик. Нуронийлар, тажрибали

онахонлар куда-андани яқин мулоқотга тортишди. Шу насиҳатлар кор қилдимиз ёки болаларнинг зориқиши таъсир қилдимиз, ҳар қалай куёв совға-салом билан уйига борганида келин индамай бирга қайтиб келди. Ҳозир тинч-тотув яшашти. Ажралишлар бўйича бошқа жиддийроқ воқеалар йўқ. Шукрки, аҳолимизнинг асосий қисми зиёли, тушунган одамлар. Тўйларда ҳам олди-бердини ўзаро келишиб қилишади.

Менимча, кейинги пайтларда ажралишлар масаласида гап-сўзлар кўпайиб кетганига, аввало, тарбия билан боғлиқ муаммоларимиз сабаб бўляпти. Биз ёшларга етарлича тўғри йўл

кўрсата олмаёмиз. Бу масалада жиддий ишларни амалга оширишимиз керак.

Яна бир масала — маҳалларда худди чет элларникидек тўғарақлар очиш масаласидир. Масалан, аёллар тўғараги, ёшлар тўғараги, ижодкорлар ва ҳақозо. Шу масалага катта эҳтиёж бор. Бизнинг ҳудудда шахматчилар тўғарагини ташкиллаштириш мумкин. Кўпчилик туман марказидаги тўғарақларга қатнашга эринадилар.

Сурхонбарди АБДУЛЛАЕВ,
Кўшкўпир туманидаги
«Амиркум» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

БИЛАСИЗМИ?

Уй, квартира эгасининг оила аъзолари, у билан доимий яшаётганлар (агар уларни кўчириб келганда ёзма бошқа ҳолат кайд этилган бўлмаса) уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақли.

Улар уй эгаси берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақли, оиланинг бошқа аъзоларини эса уй эгасининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин.

Бу шахслар уй эгаси билан оилавий муносабатларни тугатганда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Mahalla

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журналі
муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: **71 233-39-89,**
Обуна бўлими: **71 233-10-92.**
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: **148**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 2 босма табоқ,
8 215 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-718
Газета таҳририят компьютер марказида
сахифаланди ва офсет усулида босилди.

